

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Рўйхатга олинди

«Тасдиқлайман»

№ _____

Ўқув ишлар проректори

«_____» _____ 2017 й.

«__» _____ 2017 й

“ ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯ” КАФЕДРАСИ

**“МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ”
фанидан**

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

САМАРҚАНД – 2017

Ушбу маърузалар матни олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари учун тавсия этилади. Шу билан бирга ўқув-услубий мажмуадан талабалар, илмий ходим изланувчилар ҳамда фан бўйича қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Тузувчи: Джумаев А. Х. - “Иқтисодий назария” кафедраси катта ўқитувчиси;

Такризчилар:

Сейтмуратов Р. А. - “ Иқтисодиёт ” кафедраси мудир, иқтисод фанлари доктори, профессор;

Бобоқулов Б. М. - “ Иқтисодий назария” кафедраси мудир, доцент, иқтисод фанлари номзоди.

1-МАВЗУ. “МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ

- 1.1. “Мутахассисликка кириш” фанининг мақсад ва вазифалари.
- 1.2. “Мутахассисликка кириш” фанининг асосий катигориялари.
- 1.3. “Касб таълими, иқтисодиёт” таълим йўналишининг тавсифи.

1.1. “Мутахассисликка кириш” фанининг мақсад ва вазифалари

“Мутахассисликка кириш” фанини ўқитишдан мақсад – талабаларда “Касб таълими” (иқтисодиёт) таълим йўналишининг мазмун ва моҳияти, таълим йўналишининг бозор иқтисодиёти шароити тутган ўрни ва роли, Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг мазмуни ҳамда касбий фанларни ўқитиш жараёнини лойиҳалаштириш ва режалаштириш йўллари бўйича тушунча, билим ва кўникма ҳосил қилишдан иборат.

“Мутахассисликка кириш” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- талабанинг илмий тадқиқот олиб бориши босқичлари;
- илмий ишлар натижаларини тақдим этиш усуллари;
- касб таълими, иқтисодиёт таълим йўналиши бакалаврларининг касбий фаолияти объектлари;
- бакалаврни тайёрлаш сифати ва олий таълиммуассасаси фаолиятини баҳолаш;
- олий таълим муассасасида таълим жараёнининг шакллари;
- мустақил иш учун бериладиган топшириқларнинг шакли ва ҳажми **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- мутахассислик фанларидан курс ишини тайёрлашни ва уни бажариш тартибини;
- малакавий амалиётнинг мазмунини ва таркибини;
- талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичини назорат қилиш мезонларини;

“Касб таълими, иқтисодиёт” таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ якуний давлат аттестация синовлари турларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ билим соҳасида фанлар блоклари бўйича назарий таълим ҳажми;
- талабаларнинг ўқув фаолиятини шакллантириш;
- ўқитиш натижаларини текшириш;
- мустақил ишни амалга оширишда талаба бажариши лозим бўлган вазифалар;
- курс ишини рейтинг тизими асосида талабалар билимини баҳолаш мезонлари бўйича **кўникмаларга эга бўлиши;**
- иқтисодий билимлар асоси, иқтисодий назария, ўзбекистоннинг иқтисодий тарихи, иқтисодий таълимотлар тарихи, макроиқтисодиёт ва бошқа иқтисодий

фанларнинг мазмун-моҳияти, макроиктисодий барқарорликни таъминлаш қонуниятлари ва меъзонлари, меҳнат бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнатни моддий рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш жараёнлари бўйича *малакаларга эга бўлиши керак*.

1.2. “Мутахассисликка кириш” фанининг асосий катигориялари

Замонавий жамиятнинг ҳаёт тирикчилигини таъминлашда турли даражадаги мутахассислар муҳим ўрин эгаллайди. Касб таълими узлуксиз таълимнинг бўлинмас бир қисми ҳисобланиб, энг муҳим вазифани бажаради: инсонни аниқ касбий фаолиятга тайёрлайди. Ўрта махсус касб таълимининг асосий мақсадлари ўрта бўғинли кичик мутахассисларни тайёрлаш ва уларни таълимий жараёнда шахсни ривожланиши учун шароитларни яратиш ҳисобланади.

Касбий педагогик таълим тизимида тайёрланаётган, педагогик ходимлар ичида, энг муҳим ўринни касб таълими ўқитувчиси эгаллайди. Малакали мутахассисларни тайрлаш бўйича, касб-хунар таълими олдида турган муҳим ва маъсулиятли вазифаларни бажариш унга боғлиқ бўлади. Касб таълими ўқитувчиси икки ёқламали меҳнат предметиға эға бўлади. Уни бир томондан инсонлар билан ўзаро муносабат, бошқа томондан- аниқ касбий соҳадаги махсус билимлар, кўникма ва малакалар ташкил этади. Унинг касбий-педагогик тайёргарлигининг даражаси ва сифати, касб хунар таълимида ўқувчиларни тайёрлаш сифатини маълум миқдорда аниқланади.

Бу мақсадларға эришиш таълим мазмунини қандай ифодаланишиға боғлиқ бўлади. Педагогикада маълумот олиш ва ўқиш - ўқитиш муаммолари билан *дидактика* - таълим ва таълим бериш назарияси бўлими шуғулланади.

Таълим олиш – бу билим, кўникма ва малакалар тизимини эгаллаш жараёнидир, яъни бунда шахснинг ижодий фаолиятининг жиҳатлари, дунёқараши ва ўзини тутиш сифатлари ташкил топади, ҳамда билиш қобилиятлари ривожланади. Инсон маълумотли бўлиб, билим, кўникма ва малакаларға эға бўлиб, ўзида фикрлар тизимини шакллантиради.

Таълим олиш вазифалари турли йўллар билан ҳал қилинади. Улардан энг асосийси *ўқитиш* ҳисобланади. Ўқитиш – бу таълим олувчиларға янги ўқув ахборотини тақдим этиш, уни ўзлаштиришни ташкиллаштиришға, кўникма ва малакаларни шакллантиришға, билиш қобилиятларини ривожлантиришға мақсадли йўналтирилган, мунтазамли ташкилий жараёндир.

Ўқитиш жараёнида таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасида ўзаро ҳаракат юзаға келади ва унинг самардорлиги ўқитувчи ва талабани ҳамкорлигига боғлиқ бўлади.

Ўқиш-ўргатиш - бу таълим олувчиларға янги ўқув ахборотини тақдим этиш, уни ўзлаштиришни ташкиллаштиришға, кўникма ва малакаларни шакллантиришға, билиш қобилиятларини ривожлантиришға мақсадли йўналтирилган, мунтазамли ташкилий жараёндир.

Ўқитишнинг асосий натижаси – бу талабалар томонидан ўзлаштирилган *билим, кўникма ва малакалар*, уларда шаклланган *билиш эҳтиёжлари ва қобилиятлари*дир.

Билимларда ҳақиқий борлиқ умумий аксини топади. Талабалар ҳодиса, воқеа, қонуниятлар тўғрисидаги маълумотларни ўрганадилар ва у уларнинг ютуғи бўлади.

Ўқитиш жараёнининг энг муҳим натижаси – бу **кўникма**дир.

Кўникма – эгаллаган билимлар асосида ўзгарувчан шароитларда бирорта фаолиятни амалга ошириш қобилияти.

Педагогик амалиётда кўникма **ақлий** ва **амалий** кўникмаларга бўлинади.

Ақлий кўникма фикрловчи авзифаларни амалга оширишдан иборат бўлади. Булар ижодий фаолият ва ишлаб чиқарувчи фаолият учун муҳим ҳисобланади.

Амалий кўникмалар аниқ амалий ҳаракатларни бажаришга йўналтирилган, яъни ишлаб чиқариш топшириқларини ечиш, ҳисоб ишларини бажариш, иш режасини тузиш ва б. Амалий кўникмалар ақлий кўникмалар билан узвий боғлиқликда бўлади, билимларга таянмасдан туриб топшириқларни ечиш, ҳисоблаш, режа тузишни амалга ошириб бўлмайди.

Ўқитишнинг натижаларидан яна бири бу **малакаларни** эгаллаш ҳисобланади.

Малакалар – бу, кўп марта такрорлаш натижасидаги машинал (беихтиёрий), ҳаракатлардир. Касбий фаолиятда малакалар катта аҳамиятга эга бўлиб, улар куч, вақт, эътиборни тежайди. Ўқитиш ўзининг асосий (дидактик) вазифасидан ташқари бошқа вазифаларни бажаради:

Ривожлантирувчи вазифани моҳияти- ўқитиш жараёнида шахснинг ақлий, ҳиссий ва иродавий ривожланиши, билишга бўлган интилишларини ва ижодий фаолликни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлашдан иборат бўлади. Ривожлантирувчи вазифа ривожлантирувчи принципга асосланиб, унинг моҳияти, ўқитиш жараёнини шундай мураккаб даражада тузиш керакки, бунда талабадан ҳам ақлий ҳам иродавий кучларни сарф қилсин. Ўқув жараёни талабада қониқиш, билиш қувончини, хайрон бўлиш, яъни у ниманидир бажара олиши ҳиссини уйғотиши зарур. Шу боис ўқув материали жуда ҳам содда бўлмаслиги керак ва талаба фақат уни қайтариб қолмасдан, балки билимлар асосида топшириқлар занжирини еча олиши керак.

Тарбияловчи вазифа –ўқитишни тарбиялаш принципига асосланади. Ўқитиш ва тарбиялаш жараёнлари ўзвий боғлиқликда бўлади. Уларнинг умумий мақсадлари- бўлғуси мутахассиликнинг моҳиятини ва ижтимоий муҳимлигини тушунувчан, ўз меҳнатининг натижаларига касбий маъсулиятга эга бўлган мутахассисни шакллантиришдан иборат.

Ўқув жараёнида тарбия ўқитиш мазмунини амалга ошириш йўли орқали, уни тўғри ташкиллаштириш ва зарур усулларни қўллаш орқали амалга оширилади. Ўрта махсус ўқув даргоҳи ўқитувчиси ўзининг билими, ўзининг тутиши, ишга бўлган муносаати ўқув фанига, махсуска ва меҳнат фаолиятига, ҳаётга бўлган айрим муносабатни аниқлаб беради. Ўқитувчини таъсири кўгина тарбияланувчилар учун ўрнак бўлади, шунингдек шундай ютуқларга йўналтирилган шахсий интилишларини, улар ўз ўқитувчиларида кўрадилар.

Таълим бериш вазифаларининг яна бир йўли бу *мустақил ўқиш* ҳисобланиб, бунда талабаларда мустақил ўқиш учун уларда қизиқишни уйғотиш, билиш эҳтиёжини пайдо қилишда уларга ёрдам бериш, мустақил ақлий меҳнатнинг кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат бўлади.

Касб – бу меҳнат фаолиятининг барқарор тури бўлиб, у нафақат аниқ билим ва кўникмаларни бўлишини талаб қилмай, балки бир хил бўлган умум касбий билимларни ҳам бўлишини талаб қилади.

Мутахассис – мавжуд касб доирасидаги аниқ меҳнат фаолиятининг аниқлаштирилганлиги.

Умумий ва шахсни касбий ривожланишига йўналтирилган, касбий таълим, тарбия, таълим бериш билан биргаликда амалга ошириладиган касбий мустақил ўқиш, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини ўқитиш мураккаб жараён, *бўлғуси мутахассисни касбий шаклланишини* билдиради.

касбий фаолият тури – таълим йўналишига ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият объектига таъсир этиш усуллари, услублари ва тавсифи;

компетенция – тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи;

модул – тарбиялаш ва ўқитишга йўналтирилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантиқий тугалланганликка эга бўлган ўқув фани (курси) ёки ўқув фанлари (курслари)нинг маълум бир қисми;

таълим йўналиши – таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган “бакалавр” академик даражаси доирасида касб фаолиятининг муайян турини бажаришни таъминловчи асосий ва фундаментал билимлар, ўқувлар ва кўникмалар комплекси;

касбий фаолият объекти – предметлар, воқеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар;

касбий фаолият соҳаси – илмий, ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият объектлари мажмуи;

бакалаврият - олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билимлар берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълим;

бакалавриятнинг таълим дастурлари (бакалаврият дастури)– ўқув фанларининг бакалаврият йўналишларига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи блокларга жамланган рўйхати;

ўқув-ўрганиш натижалари – ўзлаштирилган билимлар, амалий малакалар, кўникмалар мажмуи.

1.3. “Касб таълими, иқтисодиёт” таълим йўналишининг тавсифи

5230100 - Касб таълими, иқтисодиёт таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси

(даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

5230100 – Касб таълими, иқтисодий таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қўйидагиларни қамраб олади:

- Иқтисодий фанларни изчил ва пухта ўрганиш ва билиш;
- Иқтисодий фанларни ўқиб-ўрганиш ва билиш жараёнида олинган билим ва кўникмаларни янги педагогик технологиялар асосида ўз педагогик фаолиятига тадбиқ эта олиш, педагогик фаолиятни режалаштириш ва ташкил этиш;
- реал иқтисодий фаолиятда меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблаш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш;
- меҳнатни моддий рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш;
- иш вақти сарфини кузатиш;
- меҳнат бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш;
- аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг самарали шакллари тадбиқ этиш;
- меҳнат ресурслари балансини тузиш ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни аниқлаш;
- меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни самарали бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- иш ўринларини ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш;
- Ижтимоий соҳа қонун-қоидаларини пухта билиш ва ўз фаолиятида қўллаш.

5231600 - Касб таълими, иқтисодий таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- молиявий-иқтисодий;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат;
- ташкилий-бошқарув;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;

•*илмий-тадқиқот*;

•*педагогик (умуми ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида)*.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаситомонидан аниқланади.

Назорат учун саволлар

1. Мутахассислик тушинчасининг мазмунини тушинтириг.
2. Касб таълими, иқтисодиётнинг моҳияти ва мазмунини изоҳланг.
3. Касб таълими, иқтисодиёт таълим йўналишининг мақсади нимада.
4. Касб таълими, иқтисодиётнинг иқтисодиёт билан боғлиқлиги нимада.
5. Фаннинг мақсади, вазифаларини айтиб беринг.
6. Фаннинг бошқа мутахассислик фанлари билан алоқаси.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. //Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. — Т.: Шарқ, 2001. -ББ. 3-18.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. //Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. — Т. Шарқ, 2001. —ББ. 18-52.
3. *Каримов И.А.*Баркамол авлод орзуси. — Т.: Шарқ, 1999.
4. *Каримов И.А.*Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили. — Т.: Ўзбекистон, 1995.
5. *Каримов И.А.*Илм фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланайлик. //Ўқитувчилар газетаси, 1989 йил,2 декабрь.
6. Давлатов К. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. — Т.: Ўқитувчи, 1992.
7. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А.Сластенина. —М.: Академия, 2004.
8. <http://www.textbooksonline.tn>Economic Theory.
9. <http://www.ijre.com> International Journal of Scientific Research in Education.

2-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

- 2.1. Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
- 2.2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва “Таълим тўғрисида”ги Қонунда мутахассислар тайёрлашга қўйиладиган талаблар.
- 2.3. Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг таркибий қисмлари.

2.1. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси таълим тизими Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури каби қонунларга асосланади. Мазкур қонунлар 1997 йил 29 августда қабал қилинган.

“Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади- фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган¹. (1-модда).

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикасида таълим соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. (2-модда).

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагиларни ташкил этади:

- Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади.
- Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:
- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
- таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади: давлат стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари; таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар; таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир ва улар қуйидаги турларда амалга оширилади:

¹Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. //Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. — Т.: Шарқ, 2001. -ББ. 3-18.

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус, касб-хунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

Мактабгача таълим.Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

Умумий ўрта таълим. Умумий ўрта таълим босқичлари куйидагича:бошланғич таълим (I—IV синфлар); умумий ўрта таълим (I—IX синфлар).Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилгандир. Мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшидан қабул қилинади.

Умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

Болаларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши мумкин.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими.Ўрта махсус, касб-хунар таълим олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишнинг йўналишини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эга.Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари эгалланган касб-хунар бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта махсус, касб-хунар таълими беради.Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-хунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус ўқув юртидир².

Касб-хунар коллежи ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-хунар ўқув юртидир.

Олий таълим.Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлади.Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) ўрта махсус касб-хунар таълими асосида амалга оширилади.Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги хужжатлар билан далилланувчи бакалаврият ва магистратурага эга.

²Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. //Олий таълим меъёрий хужжатлари. — Т.: Шарқ, 2001. -ББ. 3-18.

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. //Олий таълим меъёрий хужжатлари. — Т. Шарқ, 2001. -ББ. 18-52.

Бакалавриат олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича бакалавриат негизида камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим. Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилгандир. Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик) олиниши мумкин. Илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, илмий даражалар ва унвонлар бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Мактабдан ташқари таълим. Болалар ва ўсмирларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин³.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради. Мактабдан ташқари таълим муассасаларининг фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

2.2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва “Таълим тўғрисида”ги Қонунда мутахассислар тайёрлашга қўйиладиган талаблар

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қурмоқда.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади

³Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. //Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. — Т.: Шарқ, 2001. -ББ. 3-18.

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. //Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. — Т. Шарқ, 2001. –ББ. 18-52.

ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

Мазкур дастурнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қуйидаги вазифалар ҳал этилишини назарда тутди:

"Таълим тўғрисида"⁴ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқтаълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш; таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш; кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш; кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш; таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш; таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг ҳолис тизимини жорий қилиш; янги ижтимоий-иқтисодий

⁴Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонуни. //Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. — Т.: Шарқ, 2001. -ББ. 3-18.

шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш; таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш; узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш; кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич рўёбга чиқарилади. Биринчи босқич (1997 - 2001 йиллар) мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

Иккинчи босқич (2001 - 2005 йиллар) Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

2.3. Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг таркибий қисмлари

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатдир⁵: шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи; давлат ва жамият - таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари; узлуксиз таълим малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади; фан юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи; ишлаб чиқариш кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси. Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очиқ бўлишини ва ҳаёт ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлайди. Ўзбекистон

⁵Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. //Олий таълим меъёрий хужжатлари. – Т. Шарқ, 2001. –ББ. 18-52.

Республикаси томонидан инсон ҳуқуқлари, таълим, бола ҳуқуқи соҳасидаги шартномалар ва конвенцияларнинг бажарилиши, кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳон илғор тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча жиҳатларига дахлдор бўлиб, унинг ривожланиши омилларидан биридир.

ШАХС Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқбўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс фуқарони шакллантиришни назарда тутди. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири билим олиш, ижодий қобилиятни намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади. "Таълим тўғрисида"ги Қонун умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими стандартлари орқали сифатли таълим олиш, шунингдек таълим ва касб-ҳунар жиҳатдан тайёргарликнинг шакллари ва турларини танлашни, узлуксиз малака ошириб бориш, зарурат тақозо этса, тегишли қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқини ва кенг имкониятларини назарда тутди. Таълим хизматларининг истеъмолчиси сифатида шахсга давлат таълим олиш ва касб-ҳунар тайёргарлиги кўриш кафолатланади. Таълим олиш жараёнида шахс давлат таълим стандартларида ифода этилган талабларни бажариши шарт. Шахс таълим хизматларининг яратувчиси сифатида тегишли малака даражасини олгач, таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади ва ўз билими ва тажрибасини ўргатишда иштирок этади.

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ - Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизими амал қилиши ва ривожланишининг кафиллари, юқори малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштирувчи сифатида фаолият кўрсатади. Давлат ва жамият қуйидагиларга, чунончи: Фуқароларнинг билим олиш, касб танлаш ва ўз малакасини ошириш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишига; Мажбурий умумий ўрта таълим ҳамда академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида таълим олиш йўналишини танлаш ҳуқуқи асосида мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишга; Давлат грантлари ёки пуллик-шартномавий асосда олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим олиш ҳуқуқига; Давлат таълим муассасаларини маблағ билан таъминлашга; Таълим олувчиларнинг ўқиши, турмуши ва дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги вазифалар ҳал этилишида жамоатчилик бошқарувини ривожлантиришга; Таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга; Соғлиқ ва ривожланишда нуқсони бўлган шахслар таълим олишига кафолат берадилар.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ- Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир. Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади. **Узлуксиз таълим тизими ва турлари:** Мактабгача таълим,

Умумий ўрта таълим, Ўрта-махсус, касб-хунар таълими, Олий таълим, Олий ўқув юртидан кейинги таълим, Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, Мактабдан ташқари таълимларни ўз ичига олади⁶.

ФАН. Кадрлар тайёрлаш миллий модели салмоқли элемент сифатида фанни ўз ичига олади, бу соҳада: табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимлар шаклланади, кадрлар тайёрлаш тизимида оммалаштириш, ўрганиш ва фойдаланиш учун керакли илмий натижалар жамланади: олий малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш амалга оширилади; кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий-тадқиқот жиҳатидан таъминлаш инфраструктураси вужудга келтирилади, таълимнинг ахборот тармоқларида фойдаланиш мақсадида билимнинг турли соҳалари бўйича ахборот базаси шакллантирилади; мамлакатимиз илм-фаннинг жаҳон илм-фанига интеграцияси содир бўлади, замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун илмий ютуқлар ва кадрларни халқаро миқёсда алмашинув амалга оширилади

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ- ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжлари кадрлар тайёрлаш тизимининг йўналиши, даражаси ва миқёсларини шакллантиради, касб тайёргарлигининг мақсади, вазифалари ва мазмунини белгилайди, малака талабларини илгари суради, таълимнинг мувозий технологиялари ва шакллари танлашни тақозо этади. Ишлаб чиқариш пировард натижада кадрларнинг сифати ва рақобатбардошлигига баҳо беради. Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлаш тизимидаги вазифалари қуйидагилар билан белгиланади, чунончи у: турли савия ва малакадаги мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжни шакллантиради; ўз ихтиёридаги моддий-техника, молия, кадр ресурслари ҳамда кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун зарур бошқа ресурсларни бериш билан узлуксиз таълим тизимига кўмаклашади; муассис, васий, донор, ҳомий тариқасида айрим мутахассисларни ва гуруҳларни мақсадли тайёрлашни, шунингдек турли тип ва даражадаги ўқув юртларини молиялашда қатнашади; таълим ва илм-фаннинг турли шакллардаги интеграциясини (муваққат ижодий жамоалар, ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуалари, марказлари, технопарклар, технополислар) ривожлантиради. Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлаш тизимидаги мавқеини кучайтириш қуйидаги йўллар билан таъминланади: таълимни кархонадаги унумли меҳнат билан, шу жумладан ишлаб чиқариш амалиёти жараёнидаги меҳнат билан қўшиб олиб бориш асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш; кадрлар тайёрлаш ҳамда биргаликда илмий-технология ишланмаларини олиб боришда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш; таълим олувчиларни меҳнат жамоаларида тарбиялаш (меҳнат, маънавий ва жисмоний тарбиялаш); ишлаб-чиқаришнинг талаб-эҳтиёжларини инобатга олиб, техника ва технологияларни ривожлантиришнинг янги йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва технология

⁶Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. //Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. – Т. Шарқ, 2001. –ББ. 18-52.

муаммоларини ҳал этиш учун олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларнинг илмий салоҳиятини жалб этиш; педагог кадрларнинг илғор технологиялар соҳасидаги малакасини бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам ошириб бориш; ишлаб чиқаришнинг юқори малакали кадрларини таълим жараёнига ва педагогик фаолиятга жалб этиш; ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш учун таълим олувчиларни иш жойлари билан таъминлаш; ўзаро интеграцияланган таълим муассасаларини замонавий ускуналар, аппаратлар ва асбоблар билан жиҳозлаш.

Назорат учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва “Таълим тўғрисида”ги Қонунда мутахассислар тайёрлашга қўйиладиган талаблар.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг таркибий қисмлари.
4. Шахс ва унинг вазифалари қандай?
5. Ишлаб чиқариш ва фаннинг аҳамияти.
6. Олий таълим ва унинг хусусиятларини тушинтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. //Олий таълим меъёрий ҳужжаталари. — Т.: Шарқ, 2001. -ББ. 3-18.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. //Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. – Т. Шарқ, 2001. –ББ. 18-52.
3. *Каримов И.А.*Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1999.
4. *Каримов И.А.*Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
5. *Каримов И.А.*Илм фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланайлик. //Ўқитувчилар газетаси, 1989 йил,2 декабрь.
6. Hugh Busher, Rene Saran. “Managing Teachers as Professionals in Schools (Management and Leadership in Education)” – UK. Kindle Edition., 2013 – 192 р.
7. Wadi D, HaddadAlexandra Draxler. “Technologies for education” – USA. Academy for Educational DevelopmentWashington, DC., - 2002.
8. www.dailymotion.comEducational economics.
9. <http://www.textbooksonline.tn>Economic Theory.
- 10.<http://www.ijrsre.com> International Journal of Scientific Research in Education.

3-МАВЗУ. “КАСБ ТАЪЛИМИ, ИҚТИСОДИЁТ” ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАШ МАЗМУНИ

3.1. Давлат таълим стандартларининг аҳамияти.

3.2. Мутахассислар тайёрлашда касблар таснифлагичи (классификатор): моҳияти ва функциялари.

3.3. Касблар таснифлагичининг мазмуни ва унинг вазифалари.

3.4. Ўқув режа ва дастурлар аҳамияти ва уларнинг вазифалари.

3.1. Давлат таълим стандартларининг аҳамияти

Таълимнинг мазмунини белгиловчи давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш мақсадида умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг такомиллашган вариантлари ишлаб чиқилиб, 2004-2011 йилларда босқичма-босқич тажриба-синовдан ўтказилди.

Умумтаълим фанлари бўйича мавжуд ДТСлар янгидан таҳрир этилиб, ўқув дастурлари модернизация қилинди. Қирғиз, қозоқ, тожик, туркман, қорақалпоқ тили ва адабиётлари, 8-синфларда рус адабиёти, 4- ва 8-синфларда меҳнат таълимининг 5 та йўналиши, 5-7- синфларда информатика фанларидан ДТС янгидан яратилди. Бошланғич синфларда билим, кўникма ва малака меъёрлари ишлаб чиқилди.

Давлат стандартлари – мутахассис тайёрланаётган йўналиш мазмунининг баёни ва талабани ўқитиш ҳамда тарбиялашга қўйилган талаблар, стандарт кўринишидаги назорат, услуб ва шакллари.

Ўқув режалари – таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган давлат ҳужжати.

Ўқув дастурлар – ўқув фани мазмуни, уларни талабалар томонидан ўзлаштиришнинг мақсадга мувофиқ келувчи хусусан ташкил этиш йўллари аниқланган ҳужжат.

Дарсликлар – ўқув фани мазмуни ўқув дарстурига мувофиқ баён қилинади.

Ўқув қўлланмалар – ўқув дастури асосида услубий ва амалий тавсиялар берилади.

Касбий таълим бериш мазмуни

Педагогик жараённинг мазмуни белгиланган мақсадларга мувофиқ ва қуйидаги: “Нимага ўқитиш ва шахснинг қандай сифат ва хислатларни шакллантириш” саволларга жавоб беради.

Мазмун – инсон ривожланиши мақсадлари билан мувофиқликда танланадиган ва унга етказиб бериладиган, авлодлар ижтимоий маҳорат қисми.

Педагогик жараён мазмунида икки ўзаро боғлиқликдаги таркибий ташкил этувчиларни– *ўқитиш мазмуни* ва *тарбиялаш мазмуни* ажратиб кўрсатиш мумкин.

Уларнинг ҳар бири ўзининг хусусиятига эга, яъни ўқиш мазмуни “Нимага ўқитиш керак?”, тарбиялаш мазмуни – “шахсда қандай сифат, хислат, муносабатларни шакллантириш керак?” саволларига жавоб беради.

Ўқитиш мазмуни (ўқитиш, маълумот олиш)- таълим жараёнида эгаллаши зарур бўлган, илмий билим, амалий кўникма ва малакалар тизими⁷.

Ўқув ахборотининг манбаси адабиётлар ва ўқув қўлланмалар, луғатлар, маълумотномалар ва маълумотли манбалар ҳисобланади. Умумлаштирилганда улар фан бўйича ўқитиш мазмунини ташкил этади.

Ўқув ахборотини танлаш қуйидаги омилларга асосланади:

- ✓ Белгиланган мақсадлар билан – қандай мақсад билан ўрганиш?
- ✓ Мавжуд бошланғич вазият ҳолати билан- берилган мазмунни амалга ошириш учун мақбул шароитлар мавжудми?
- ✓ Мазмунни тузилмавийлик хусусияти билан – фан ёки модулли, ёки масофавий таълим учунми?
- ✓ Таълим стандарти билан- нимани ўрганиши керак?
- ✓ Танлаб олинган педагогик шакл ва воситалар билан- ахборотни қандай воситалар ва йўллар билан тақдим этиш керак?
- ✓ Ахборотни баён этиш тартиби билан – қандай тартибда ўрганиш керак?
- ✓ Ўзлаштириш даражаси билан – қандай даражада ўзлаштириш керак?

Ўқитиш мазмуни таълим бериш ва ўз ўзини ўқитишда жараёнида амалга оширилади, яъни ақлий фаолиятда.

Ўқитиш мазмунига қуйидаги таркиблар киради:

- ✓ Табиат, жамият, техника, фикрлар ва фаолият йўллари тўғрисидаги илмий билимлар;
- ✓ Ақлий билимлар ва амалий кўникма ва малакалардан иборат бўлган, фаолият йўлларини амалга оширувчи тажриба;
- ✓ Ижодий, изланувчилик фаолияти тажрибаси.

Ўқитиш мазмуни қуйидаги меъёрий ҳужжатлар билан аниқланади: Давлат таълим стандарти, ўқув муассасининг ўқув режаси, ўқув дастурлари, адабиёт ва ўқув қўлланмалар.

Давлат таълим стандарти

Касб-ҳунар таълими давлат стандарти яқин келажакда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида фаолият кўрсатиши ва ривожланишини мажмуавий белгилаб берувчи ечим сифатида хизмат килади. Педагогик манбаларда касб-ҳунар таълими давлат стандарти қуйидагича талкин этилади: бўлажак кичик мутахассислар эгаллаши зарур ва етарли бўлган мазмун даражаси ва кўлами; ўқувчиларнинг максимал ўқув юкламаси хажми, битирувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасига кўйилган талаблар ва ҳоказо.

Касб-ҳунар таълими давлат стандартининг моҳияти унинг ички ва ташқи алоқалари таҳлил этилсагина тўлиқ очилиши мумкин, стандартларнинг ташқи

⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. //Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. — Т.: Шарқ, 2001. -ББ. 3-18.

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. //Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. — Т. Шарқ, 2001. -ББ. 18-52.

алокалари энг аввало ижтимоий-иқтисодий муносабатларда ўз ифодасини топади. бундан стандарт ижтимоий буюртмани талаблар шаклида ўзида ифодаловчи меърий ҳужжат эканлиги келиб чиқади. Касб-хунар таълими стандартининг ички алокадорлиги эса уни ўзаро алокадор ва таъсирдаги элементлардан ташкил топгап мустакил тизим сифатида карачганда намоён бўлади. Стандартни ташкил этувчи элементларининг хусусиятлари, ўзаро алокадорлиги унинг моҳиятини очиб беришга имкон беради. Ижтимоий-иқтисодий тизимда стандартнинг ролини тушуниш учун унинг функцияларини билиш муҳимдир. Лўнда қилиб айтганда, стандарт нима учун ва қимга керак? Биринчидан, ўқитувчилар ва ўқувчилар учун ўзларининг ҳамкорликдаги фаолиятларини ташкил этиш учун, иккинчидан, касб-хунар таълими тизими раҳбарлари учун назорат қилиш механизмининг шакллантириш учун; учинчидан, бандлик идоралари ходимлари учун. ишга жойлаштириш ва қайта тайсрлаш ишларини ривожлантириш мақсадида; тўртинчидан, ижтимоий ҳамкорлар учун, яъни иш берувчилар, қасаба уюшмалари ва барча меҳнат муносабатлари билан шугулланувчилар учун; бешинчидан, яқин ва узоқ чет эл ҳамкорларимиз учун, халқаро меҳнат бозорида инсон ҳуқуқларининг эркин ўзаро таъсирини таъминлаш учун зарур. Шундай қилиб. касб-хунар таълими давлат стандарти ўзига хос касбий таълим сифатини бошқариш механизми бўлиб хизмат қилади. Буининг учун у касбий таълим сифати билан боғлиқ қўплаб компонентларни қамраб олиши керак. Қенг маънода касб-хунар таълимининг сифати жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларига қанчалик мос қилиши билан аниқланади. Фан-техника тараққиёти билан боғлиқ ҳолда касб-хунар таълими ўқув-меърий ҳужжатлари тез ўзгарувчанлик хусусиятига эга. Малака даражаси аниқ шахснинг касбий маҳоратининг характерлайди. Малака даражаси шахснинг ўқиб ўрганганлигига боғлиқ. демак. уни объектив равишда баҳолаш мумкин бўлган ўлчамлар: ҳажми, сифат даража кўрсаткичларига эга билим, иш-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатлар бўлиши мумкин. Касб қанчалик мураккаб бўлса, унга мос ҳолда касб-хунар сирларини ўзлаштириш учун шунча қўп вақт талаб этади. Меҳнатнинг интеллектуал даражаси ақлий ва мануал (жисмоний) фаолиятнинг ўзаро муносабатини кўрсатади. Илмийлик даражаси эса меҳнат фаолиятининг техник-технологик жиҳатлари билан бевосита боғлиқлигини кўрсатади. Қўп функциялилиқ меҳнатнинг мураккаблиги, турли хилдаги вазифаларни бажариши билан характерланади. Меҳнат фаолияти алгоритмининг мураккаблиги фақатгина турлича эмас, балки бир пайтнинг ўзида параллел равишда ақлий ва мануал иш-ҳаракат усуллари бажарилиши билан характерланади. Стереотип касб-хунар даражасида маҳсулли ва маҳсулсиз фаолиятларнинг ўзаро нисбатида намоён бўлади.

Бошқача қилиб айтганда. Давлат таълим (тармок) стандарти (ДТС) маҳсусларнинг ёзма модели бўлиб, касбий тайёргарлик даражасига қўйилган талабларни ҳамда шахсий фазилатларни ўзига қамраб олади.

ДТС ва ТТС қўп вазифали ҳужжат бўлиб, иш берувчилар, бандлик хизмати, вазирлик ва ташкилотлар, илмий методик ташкилотлар, ўқув муассасалари, фуқаролар учун мўлжалланади. ДТС асосида қуйидагилар амалга оширилади:

- таълим мазмуни танлаб олинади ва шакллантирилади;
 - ўқув дастурлаштириш ва методик хужжатлар, таълим воситалари ишлаб чиқилади;
 - таълим натижаларига қўйилган талаблар шакллантирилади;
 - касбий тайёргарлик сифатини назорат қилиш тизими ишлаб чиқилади;
 - таълим муассасаси аттестация қилинади.

Давлат таълим (тармок) стандарти (ДТС) махсусларнинг ёзма модели бўлиб, касбий тайёргарлик даражасига қўйилган талабларни ҳамда шахсий фазилатларни ўзига қамраб олади.

ДТС асосида қуйидагилар амалга оширилади:

- таълим мазмуни танлаб олинади ва шакллантирилади;
 - ўқув дастурлаштириш ва методик хужжатлар, таълим воситалари ишлаб чиқилади;
 - таълим натижаларига қўйилган талаблар шакллантирилади;
 - касбий тайёргарлик сифатини назорат қилиш тизими ишлаб чиқилади;
 - таълим муассасаси аттестация қилинади;
 - касбий маслаҳат, касбга йўналтириш, касбий танлаш ишлари ташкил этилади;
- мутахассисларнинг малакасини ошириш шакллари аниқланади;
- ДТС нинг ўзи эса таснифлагич асосида ишлаб чиқилади.

ДТСни ишлаб чиқишни ташкил этиш.

ДТСнинг амалий муҳимлигини ҳисобга олиб, уни қуйидаги тартибда ишлаб чиқиш тавсия этилади:

- муаллифлик жамоаларини тузиш;
- алоҳида бўлимларни ишлаб чиқиш. уларни дастлабки баҳолаш ва ўзгартиришлар киритиш;
- ДТС лойиҳасини тузиш уни эксперт баҳолаш;
- якуний ишлов бериш, таҳрирлаш, расмийлаштириш ва тасдиқлаш;
- якуний ишлов бериш, таҳрирлаш, расмийлаштириш ва тасдиқлаш.

ДТСнинг мазмуни қуйидагилар асосида аниқланади:

- Давлат ва соҳа меъёрий, техник ва технологик хужжатлар;
- меҳнат бозори талаблари;
- мутахассис меҳнат фаолияти мазмуни;
- илмий техник тараккиёт ва бозор муносабатларининг ривожланиши таъсирида ушбу соҳадаги меҳнат анъаналарини ривожланиши;
- мавжуд тарификация ва аттестация тузилмалари;
- чет эл касбий таълим стандартларини ўрганиш, таҳлил этиш ва шу қабилар.

3.2. Мутахассислар тайёрлашда касблар таснифлагичи (классификатор): моҳияти ва функциялари

Маълумки, бўлажак мутахассисларни тайёрлаш иши бевосита давлат ва

жамиятнинг талаб ҳамда эҳтиёжларига асосланиб. ўрта махсус. касб-ҳунаар таълим тизимидаги тайёрлов йўналишлари касблар ва ихтисосликлар таснифлагичида ўз ифодасини топади. Амалдаги ўрта махсус, касб-ҳунаар таълимидаги тайёрлов йўналишлари касблар ва ихтисосликлар умумий давлат таснифлагичи (2006Й) Ўзбекистон Республикасида техникавий, иктисодий ва ижтимоий ахборотларни таснифлаш ва кодлаштириш бўйича ягона тузилма таркибига киради ва Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида"ги 1998 йил 5- январдаги 5- сонли қарори асосида ишлаб чиқилган. Ўрта махсус. касб-ҳунаар таълими муассасалари тайёрлов йўналишлари касблар таснифлагичининг таснифлаш объектлари ҳисобланиб, унда тайёрлов йўналишлари номи, коди ва шу тайёрлов йўналишлари туркумига кирувчи касблар номи ва коди ҳамда ихтисосликлар рўйхати келтирилган.

Таснифлагичда таълим ҳақидаги меъёрий ҳужжатларни индексациялаш мақсадида фойдаланиладиган таълимнинг ҳалқаро стандарт таснифлаш кодлари ҳам келтирилган.

Ўрта махсус, касб-ҳунаар таълимидаги тайёрлов йўналишлари касблар ва ихтисосликлар умумдавлат таснифлагичини жорий этиш олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси стандартлари билан бирга таснифлагичларни ишлаб чиқиш ва юритиш тартибига РСТ Ўз. 6. 01.02 95 га мувофиқ равишда амалга оширилади⁸.

Таснифлагич ўрта махсус. касб-ҳунаар таълими ўқув юртлири битирувчиларини иш билан таъминловчилар, ўрта махсус, касб-ҳунаар таълимида Давлат таълим стандартлари ўқув режалари, дастурлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқарувчилар таълим муассасалари раҳбарлари, республика ва маҳаллий бошқарув ташкилотлар мутахассислари. вазирликлар, муассасалар ва бошқа республикамиз ҳўжаликларини ривожлантиришда фаолият кўрсатаётган субъектлар учун мўлжаллангандир. Таснифлагич касб-ҳунаар коллежлари ва бошқа ташкилот ҳамда муассасаларнинг қайси вазирликка, қарашлилигидан ва мулкчилиқ шаклидан қатъий назар айнан қўлланилиши шарт.

3.3. Касблар таснифлагичининг мазмуни ва унинг вазифалари

Таснифлагичда қуйидаги тарифлар қўлланилган: тайёрлов йўналишлари. касблар ва ихтисосликларнинг умумдавлат таснифлагичи (ТИКИУТ), Ўрта махсус, касб-ҳунаар таълими ўқув муассасаларида қичик мутахассисларни тайёрлаш бўйича тайёрлов йўналишлари. Касблар ва махсусларнинг тизимлаштирилган рўйхати.

Малақа мутахассиснинг касбий тайёргарлик даражаси. ундаги маълум ишни бажариш учун зарур бўлган билим , иш-ҳаракат усуллариининг аниқ. тез фурсатда, талаб даражасида бажарилишидир.

⁸Ўзбекистон Республикаси стандартлари билан бирга таснифлагичларни ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби. РСТ Ўз. 6. 01.02.95.

Мутахассиснинг малакасини белгиловчи кўрсаткич бўлиб, у ҳақида тоифа ёки дипломнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Кичик мутахассис - бу таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштиришга, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларига бериладиган малака даражасидир:

Кичик мутахассис:

- назарий ва амалий билимлар мажмуасига касбий билим, кўникма ва малакаларга;

- мазкур жамиятда ўзининг муваффақиятли ҳаёт даражасини таъминлайдиган умумий ва касбий маданият, ижтимоий аҳамиятли хусусиятлар ва шахсий фазилатларга эга бўлади. Касбий фаолият соҳаси (КФС) касбий билим, кўникма ва малакаларнинг қўлланиш доирасидир, унинг номланиши иқтисодий соҳалар номлари билан мослаштирилган.

ЎМКХТ таълим муассасаларидаги тайёрлов йўналишлари аник касбий фаолият соҳасида мутахассисларга касбий таълим бериш доирасидир. Мутахассислар касбий фаолиятининг аник соҳаси бўйича тайёрлов йўналишлари номи меҳнат фаолиятининг мазмуни ва хусусияти оркали аниқланади.

Касб - махсус тайёргарлик ва иш тажрибаси натижасида маълум бир соҳада касбий фаолиятни амалга ошириш учун назарий билимлар мажмуаси, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаган, жисмоний имконият, ақлий қобилият ва юридик ҳуқуқлари таъминловчи инсоний меҳнат фаолиятининг (машғулоти-нинг) туридир.

Ихтисослик - бирорта касб доирасида маълум бир фаолият тури учун махсус тайёргарлик ва иш тажрибалари билан эришилган зарурий билимлар, кўникма ва малакалар мажмуаси.

ЎМКХТ тайёрлов йўналишлари ва касблар коди касбий фаолият соҳаларига мувофиқ касблар ва ихтисосликлар бўйича тайёрлов йўналишлари ихтисослаштирилган рўйхатининг рақамли белгисидир⁹.

Амалдаги таснифлагичда куйидаги саккиз соҳа назарда тутилган:

100000-Таълим

200000 - Гуманитар фанлар ва санъат;

300000 - Ижтимоий фанлар; 400000 - Фан;

500000 - Мухандислик. ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари;

600000 - Қишлоқ хўжалиги;

700000 - Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот;

800000 - Хизматлар.

Таснифлагичда таълим босқичлари ва таълим соҳалари тайёрлов йўналишлари ва касблар куйидагича етита рақамли код билан белгиланади. Таълимнинг халқаро классификациясига биноан таълим босқичи ўрта махсус, касб-хунар таълими 3 рақами билан белгиланади, масалан, 3144610, 3210210, 3380110 ваҳ.к.

⁹Ўзбекистон Республикаси стандартлари билан бирга таснифлагичларни ишлаб чиқиш ва юритиш тартибига РСТ Уз. 6. 01.02 95.

**X X X XX XX Махсус коди Тайёрлов йўналиши коди Таълим соҳаси
коди Билим соҳаси коди Таълим дастури боскичи коди**

Биринчи рақам - таълим дастури боскичи коди;

Иккинчи рақам - билим соҳаси коди;

Учинчи рақам - таълим соҳаси коди;

Тўртинчи ва бешинчи рақамлар - тайёрлов йўналиши коди;

Олтинчи ва еттинчи рақамлар — махсус коди

Узлуксиз таълим тизимидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ва олий таълим (бакалаврият)да узвийликни таъминлаш мақсадида ўрта махсус, касб-хунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари кодлари олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари кодларига мослаштирилган.

Таснифлагичдан қуйидаги вазифаларни қал этишда фойдаланилади:

-худудий бандлик дастурларини ишлаб чиқиш;

-миллий ва худудий меҳнат бозорларида ижтимоий меҳнат соҳасидаги жараёнларини таъминлаш ва тартибга солиш;

-иш кучининг самарадорлигини ва иш кучига кетаётган сарфларни аниклаш; меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш ва меъёрлаштиришни такомиллаштириш; халқ хўжалигининг кадрларга бўлган эҳтиёжини аниклаш ва асосланган

узлуксиз таълим дастурини ишлаб чиқиш; меҳнат статистикаси соҳасида ахборотнинг халқаро микёсда таккосланишини таъминлаш. Тайёрлов йўналишлари. касблар ва ихтисосликларнинг таснифлагич рўйхати бўлиб, у кўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш учун очикдир. Амалдаги таснифлагада зарур ҳолларда таснифлагичга ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими Маркази томонидан амалга оширилади деб кўрсатилган.

3.4. Ўқув режа ва дастурлар аҳамияти ва уларнинг вазифалари

Ўқув режаси. Ўқув режаси таълим олувчи билими ва касбий тайёргарлик мазмунининг етарли ва зарур даражасини таъминлайдиган ўқув жараёни ва ўқув юкламалари ҳажми, муддатлари ва тайёрланувчи мутахассис сифати, назорати шакллари белгилаб берувчи ҳукукий-меъёрий ҳужжатдир.

Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун мўлжалланган янги ўқув режалари қуйидаги 7 та блокдан иборат қилиб тузилган (блоклар ва уларга ажратилган вақт микдори иш берувчиларнинг талаблари. фан-техника тараққиёти, илгор ишлаб чиқариш технологиялари, таълим муассасаларининг мустақиллик даражалари ва бошқа шу каби омилларга кўра ўзгариши мумкин).

Давлат таълим стандартлари асосида ўқув режалари ишлаб чиқилади. Ўқув режаси ҳар бир йўналиш учун алоҳида тузилиб, вазирлик томонидан тасдиқланади. Унда қуйидагилар ўз ифодасини топади:

1. Тайёрлов йўналиш (ихтисослик) коди ва унинг номланиши;
2. Ўқув муддати;

3. Тугатгандан сўнг олинадиган академик даражаси;
4. Таълим шакли;
5. Ўқув даврининг таксимоти (жадвали);
6. Ўқув жараёнининг режаси;
7. Ўрганиладиган ўқув предметлари: ҳар бир ўқув предметини ўрганиш учун ажратилган умумий вақт миқдори;
8. Ўрганиш учун ажратилган вақтни маъруза, амалий машғулот, лаборатория ишлари, семинарлар, курс лойиҳалари ва мустақил таълимга қандай нисбатда таксимланганлиги;
9. Ўқув предметини қайси босқичда, семестрларда ҳафтасига қанча соатдан ўрганиш тартиби;
10. Давлат аттестацияси.
11. Танлов фанларининг рўйхати;
12. Изоҳ қабилар. Шу ўринда ўқув режаларининг таянч, намунавий ва ишчи турлари бўлиши мумкинлигини ёдда тутиб, уларни бир-биридан фарқлай олиш зарур. Ўқув режалари ўз навбатида ўқув дастурларини ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади.

Ўқув дастури шу ном билан номланган ўқув предметига тегишли бўлади. Ўқув предмети таълим муассасасида ўрганиш учун фан- техника, санъат ишлаб чиқариш фаолиятини муайян соҳасидан танлаб олинган билим, қўникма, малака ва шахсий фазилатлар ҳақидаги маълумотлар тизимидир.

Дастур ўқув предметининг мазмуни. уни ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбаларини ўзида мужассамлаштирувчи меъёрий ҳужжатдир. Ўқув дастурлари намунавий ва ишчи дастурларга бўлинади. Намунарий ўқув дастури шу ўқув предметига оид ишчи ўқув дастури, йиллик таквимий мавзулар режаси, дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар ва дидактик материаллар ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Назорат учун саволлар

1. Давлат таълим стандартларининг аҳамияти.
2. Мутахассислар тайёрлашда касблар таснифлагичи (классификатор): моҳияти ва функциялари.
3. Касблар таснифлагичининг мазмуни ва унинг вазифалари.
4. Ўқув режа ва дастурлар аҳамияти ва уларнинг вазифалари.
5. Дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг фарқи нимада?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. //Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. — Т.: Шарқ, 2001. -ББ. 3-18.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. //Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. – Т. Шарқ, 2001. –ББ. 18-52.
3. М.Ҳакимова. Касбий педагогика. ТДИУ., 2012. 180 б.
4. М.Ҳакимова. Касб педагогикаси. Т. “Фан ва технологиялар”, 2008. 251 б.

5. Д. Тожибоева. Иқтисодиёт назарияси. Тўлдирилган, 2-нашри. Ўқув қўлланмаси. ТМИ., Т.: 2005, 438 бет.
6. Ю.Қ. Йўлдошев. Иқтисодиёт назарияси. Услубий қўлланма. Тошкент 2010, 299 бет.
7. [www.dailymotion.com/Educational economics](http://www.dailymotion.com/Educational_economics).
8. [http://www.textbooksonline.tn/Economic Theory](http://www.textbooksonline.tn/Economic_Theory).
9. <http://www.ijssre.com> International Journal of Scientific Research in Education.

4-МАВЗУ. ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

- 4.1. Таълимнинг ташкилий шакллари ва дастурлари.
- 4.2. Таълим жараёнида фойдаланиладиган ўқитиш усуллари.
- 4.3. Мутахассисликни ўргатувчи фанларни маъруза ва амалий машғулотларини ташкил этишда янги педагогик технологияларнинг моҳияти.

4.1. Таълимнинг ташкилий шакллари ва дастурлари

Таълим жараёни педагогик жараённинг ажралмас, муҳим қисмларидан бири бўлиб, у ўқитиш, билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш масалалари билан шуғулланади. Таълим назарияси “Дидактика” тушунчаси билан ҳам ифодаланади. “Дидактика” сўзи грекча “Дидаско” сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўқитиш, ўргатишдиган маънони билдиради. Дидактиканинг ўрганиш объекти ўқув жараёни, ўқув жараёнинг ривожланиш қонуниятлари, ўқитиш тамойиллари, усуллари ва шакллари дир. Таълим жараёнининг асосий моҳияти тарихан тўпланган ижтимоий билим ва тажрибани ёш авлодга етказиш, авлодлар ўртасидаги ўзаро боҳлиқликни маълум тизим орқали амалга ошириш бўлиб ҳисобланади. Таълимнинг асосий вазифаларидан бири инсоният ҳозиргача эришган илмий билимлар, фан ва техниканинг ютуқлари билан ёш авлодни қуроллантиришдир. Таълимнинг асосий мақсади замонавий илмий билимларни эгаллаган, мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечиш имкониятига эга бўлган маънавий жиҳатдан бой шахсларни етиштиришдир. Жамият ривожланар экан, ҳаётий талаблар даражаси ҳам ортиб боради. Демак илмий билимлар ҳажми кенгайиб, илмий даражаси чуқурлашган сари, мантикий фикрлаш ва муаммоларни тезда ҳал этишга бўлган талаб янада кучаяди. Демак, таълим тизими бугунги кун талабига эмас, балки келажак талабларини аниқлаган ва ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориши керак. Чунки бугунги кун талаблари келажакда жамиятнинг асосий ўзагига айланади. Шу боис таълим тизими талабаларни фақат бугунги кун учун эмас, балки келажакдаги ҳаёт ҳам тайёрлаши лозим. Бу таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Туркий давлатларда, жумладан ўзбеклар истекомат қилган ўлкаларда таълим мадраса ва мактабларда олиб борилган. Бу маълумотлар Авесто асарида ҳам ўз аксини топган. IX-XI асарларга келиб синф-дарс тизими анча

такомиллашди. Таълимни ва хусусан дарсни ташкил қилиш масалаларига Ал-Фаробий, А.Р.Беруний, А.Айбн Сино каби Шарқ олимлари катта ҳисса қўшган. Аммо синф-дарс тизимини дидактик талаблар асосида ташкил қилишни буюк чех педагоги Ян Амос Каменский ўзининг “Буюк дидактика” номли асарида батафсил ёритиб берган, шунинг учун ҳам бутун дунёда Ян Амос Каменскийни синф-дарс тизимининг асосчиси деб аташади.¹⁰ Таълимнинг асосий ташкилий шакли дарс ҳисобланади.

Дарс маълум мақсад асосида белгиланган вақтда, алоҳида, бир хил ёшдаги ўқувчилар, ёшлар билан ўқувчилар, ёшлар билан ўқитувчи раҳбарлигида либ бориладиган таълим жараёнидир. Дарснинг мақсади, мазмуни, ҳажмини ҳар бир фанлар бўйича ўқув режалари, дастурлар ва барсликлар белгилаб беради. Бир соатлик дарсга мўлжалланган дастур материалнинг мазмунини баён қилиш, учун дидактик мақсад ва талабларга мувофиқ равишда ташкил қилинган машғулоти дарс тури деб юритилади.

Таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган дарс турлари қуйидагилардир:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси.
2. Ўтилган материалларни мустаҳкамлаш дарси.
3. Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш дарси.
4. Такрорий-умумлаштирувчи ва кириш дарслари.

Аралаш дарс (юқоридаги дарс турларининг бир нечтасини бирга қўллаш).

“Жаҳон цивилизациясига дахлдор бўлган энг замонавий илмларни эгалламай туриб, мамлакат тараққиётини таъминлаш қийин”.¹¹

Маълум дарс тури билан олиб бориладиган машғулотларда иккинчи, ҳатто учинчи бор дарс турининг унсурлари бўлиши мумкин. Ҳар бир дарснинг муваффақияти кўп жиҳатдан машғулоти тўғри ташкил этишга боғлиқ. Мактабларимизда дарснинг бошланиш даврини дарснинг ташкилий қисми деб юритилади. Бироқ бу, дарснинг бирор тури ёки шаклига кирмаслиги керак. Дарсларни ташкил этишнинг бир қанча шакллари эътироф этиш мумкин:

1. Синф-дарс шаклидаги машғулотларни ташкил қилиш ва олиб бориш.

Агар дарс янги материални баён қилишга қаратилган бўлса. Дарс мавзуси айтиб ўтилади. Дарс режасида мўлжалланган материални ўтиб бўлгач, у атрофлича яқунланиши ва ҳулоса чиқарилиши керак. Дарсни ташкил этиш ва олиб боришнинг бош мақсади таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлашдир. Бунинг учун:

А) ўтилаётган мавзу мақсадини ўқитириш билан бирга ўқувчилар материални фаол идрок қилишга сафарбар этилган бўлишлари керак. Яъни ўқитувчи баён қилаётган материал ўқувчиларни мустақил фикр юритишга, онгли ўзлаштиришга интилишларини таъминламоғи лозим.

Б) ажратилган вақт ичида ўқитувчи материални тизимли ва изчил баён қилиш билан бирга албатта ўқувчиларнинг ҳам мавзу бўйича мустақил иш олиб бериши, яъни ҳар иккала томон бир масала устида бир вақт иш бошлашини таъминлаш жуда зарурдир. Дарс материалини баён қилиш жараёнида муоммоли

¹⁰ Хўжаев.Н,Хошимова.Таълим назарияси.Ўқув қўлланма.ТДИУ-Т.,2003

¹¹ Каримов.И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.,1998

вазият туғдириш, эвристик изланишларни вужудга келтириш, ўқувчиларга материални пухта ўзлаштиришларида ёрдам беради. Бунда табақалаштиришга ҳам аҳамият берилиши лозим;

В) билимларни текшириш ва аниқлаш жараёнида ўқувчилар иштирокини чеклаб қўймаслик, оғзаки, ёзма машқлар, лаборатория тажриба ишлари, мустақил ижодий ишларни кенг қўллашга ҳаракат қилиши керак;

Г) ўқувчиларнинг мустақил мантиқий фикр қилиш, диққат-қўнғирдаларини тарбиялаш ҳамда нутқ маданиятини ривожлантириш, тегишли кўникма ва малакалар билан қўнғирдалантиришда мустақил ишнинг аҳамияти ҳамиша диққат марказида бўлиши, дарс жараёнини шу мақсадга мувофиқ ташкил этиш назарда тутилмоғи лозим;

Д) дарс жараёнида ўтилаётган ўқув материалининг бошқа фанларнинг алоқадор мавзулари билан боғланишини кўрсатиш ҳам муҳим аҳамиятга моликдир.

2. Семинар шаклида олиб бориладиган машғулотлар. Семинар машғулотлари ўқувчиларнинг мавзудаги муҳим масалаларни чуқур ўрганиш юзасидан мустақил ишлашини, кейинчалик уларни жамоа бўлиб муҳокама қилишини ташкил этиш шаклидир. Ўқитувчи ўқувчилар учун савол ва топшириқлар тузади. Кириш машғулотида у ўқувчиларни материал мазмуни билан қилинадиган ишнинг сифати билан таништиради, уларга ҳар қайси семинар учун топшириқ беради ва тайёрланишга адабиётлар тавсия этади. Бир хил вазифалар ҳамма учун бўлади, баъзилар айрим ўқувчиларга ёки 3-4 кишидан тузилган гуруҳларга берилади. Бунда ҳамма ўқувчилар семинар учун дастурдаги мажбурий материаллар минимумини ишлаб чиқишлари шарт. Семинарларга 2-3 ҳафта тайёргарлик кўрилади. Ўқувчилар адабиётларни ўрганиб, материал йиғадилар, ҳар хил кузатмшлар ўтказгач, ўз маърузаси ва ахборотлари юзасидан тезислар тузадилар.

Семинарлар ўқиш вақтида ўтказилади. Бундай машғулотлар миқдори мавзунинг мазмунига ва уни ўрганиш учун ажратилган вақтга боғлиқ. Ўқувчилар машғулотларда маъруза қилиниб, ахборот берадилар ва уларга мос турли хил намоёиш нарсаларини илова этадилар. Масаланни муҳокама қилишда ҳамма ўқувчиларнинг иштироки муҳим. Айрим масалалар юзасидан аппонентлар ҳам белгиланиши мумкин. Семинарга пухта тайёрланиш учун ўқитувчи айни бир вазифани ҳаммага ёки бир неча ўқувчига бериши, маърузачини эса машғулот бошланишида тайёрлаши ҳам жоиз.

Семинар машғулотини ўқитувчи раҳбарлигида ўтказилади. Бунда у ўқувчилар ишини йўналтириб туради. Мавзу саволлари муҳокамасини яқунлайди, зарур қўшимча тузатишлар киритади, материални тизимга солади. Маъруза қилган, муҳокамада қатнашган ўқувчиларга баҳо қўйилади.

Бу усул ўқувчилар эътиборини дарсга жалб этиши билан уларнинг қизиқишини ортириши, ўз устида мустақил ишлашга, фикрлашга ўргатиши, дарсни фаоллаштириши ва ўқувчилар қобилиятини ўстириш.

3. Амалий тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган машғулотлар.

Амалий тажриба машғулотлари синф-дарс тизими шаклида олиб борилмайдиган машғулот тури бўлиб, у махсус жиҳозланган хона ёки алоҳида ажратилган тажриба участкасида бевосита таълим ишига алоқадор маълум объектни кузатиш, ўрганиш йўли билан ўтказилади.

Таълимнинг бундай машғулотларини ташкил қилиш икки хил йўл билан олиб борилади.

1. Амалий тажриба машғулотлари.

2. Экскурсиялар.

Амалий тажриба машғулотлари ўз сифатига кўра икки турда ўтказилади: а) мактаб устахонасида. б) тажриба ер участкасида олиб бориладиган машғулотлар.

Экскурсиялар мавзуга боғлиқ ҳолда уюштирилади. Экскурсиянинг режаси тузиб олинади ва керакли вазифалар олдиндан белгиланади. Экскурсиялар назарий билимларни амалиёт билан боғланишида катта аҳамиятга эга. Ўқувчиларда кузатувчанлик ва қизиқиш каби ҳисларни ривожлантиради.

4. Таълим усуллари.

Халқ таълими вазирлиги, педагогика илмий-тадқиқот институти, услубчи ўқитувчиларнинг, хусусан педагогика фанининг долзарб вазифаларидан бири таълим –тарбиядаги муаммоларни, маҳаллий ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш, барча ўқув фанлари бўйича янги миллий дастурлар яратиш, таълимни поғоналаш, дарс жараёнини тоифалашдан иборатдир. Албатта, мамлакатимизда бундай чора-тадбирлар татбиқ қилиниши билан бир қаторда бу жиддий синовни енгиш, ҳеч шубҳасиз, кўп жиҳатдан ҳаммамиздан аввало масъулиятимизни теран ҳис қилишни, барча имконият ва ресурсларимизни ишга солишни талаб қилади.¹²

Шу муносабат билан яқин ўтмишда ўзбек мактабларидаги ўқитиш тарихига бир назар ташлаш аynи пайтда таълим усуллариини ўрганишни осонлаштиради. Шубҳасиз, мазкур таълим услуби тарихига оид манба муайян даражада таълимнинг услубий бўшлиқларини маънавий жиҳатдан тўлдиради, ўқитувчи ҳамда тарбиячиларнинг педагогик мерос ва халқ педагогикасига бўлган катта эҳтиёжи-ю, қизиқишларини қондиради.

Кейинги вақтларда тараққий этган мамлакатларнинг мактаб соҳасидаги ютуқ ва тажрибаларини ўрганишга, уни бизнинг шароитимизга жорий этишга эътибор кучайди. Шунингдек, халқ таълими кўламига инқилобгача бўлган ўқитиш тартибининг турлари (лицей, гимназия) ҳам дадил кириб келмоқда. Бунга мамлакатимизда гимназия ва лицейларнинг очилишини мисол қилиб келтириш мумкин. Лекин жумҳуриятимиз мактабларини миллийлаштириш нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак, таълим-тарбия борасидаги инқилобгача бўлган бой мерос, яъни эски мактаб ва мадрасалардаги ўқитиш услубларидан ҳам фойдаланиш истаги туғилмоқда.

¹² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент-“Ўзбекистон”-2009-136

4.2. Таълим жараёнида фойдаланиладиган ўқитиш усуллари

Педагогик жараённинг мазмуни белгиланган мақсадларга мувофиқ ва қуйидаги: “Нимага ўқитиш ва шахснинг қандай сифат ва хислатларни шакллантириш” саволларга жавоб беради.

Мазмун – инсон ривожланиши мақсадлари билан мувофиқликда танланадиган ва унга етказиб бериладиган, авлодлар ижтимоий маҳорат қисми.

Педагогик жараён мазмунида икки ўзаро боғлиқликдаги таркибий ташкил этувчиларни– **ўқитиш мазмуни** ва **тарбиялаш мазмуни** ажратиб кўрсатиш мумкин.

Уларнинг ҳар бири ўзининг хусусиятига эга, яъни ўқиш мазмуни “Нимага ўқитиш керак?”, тарбиялаш мазмуни – “шахсда қандай сифат, хислат, муносабатларни шакллантириш керак?” саволларига жавоб беради.

Ўқитиш мазмуни (ўқитиш, маълумот олиш)- таълим жараёнида эгаллаши зарур бўлган, илмий билим, амалий кўникма ва малакалар тизими.

Ўқув ахборотининг манбаси адабиётлар ва ўқув қўлланмалар, луғатлар, маълумотномалар ва маълумотли манбалар ҳисобланади. Умумлаштирилганда улар фан бўйича ўқитиш мазмунини ташкил этади.

Ўқув ахборотини танлаш қуйидаги омилларга асосланади:

- ✓ Белгиланган мақсадларбилан – қандай мақсад билан ўрганиш?
- ✓ Мавжуд бошланғич вазият ҳолати билан- берилган мазмунни амалга ошириш учун мақбул шароитлар мавжудми?
- ✓ Мазмунни тузилмавийлик хусусияти билан – фан ёки модулли, ёки масофавий таълим учунми?
- ✓ Таълим стандарти билан- нимани ўрганиши керак?
- ✓ Танлаб олинган педагогик шакл ва воситалар билан- ахборотни қандай воситалар ва йўллар билан тақдим этиш керак?
- ✓ Ахборотни баён этиш тартиби билан – қандай тартибда ўрганиш керак?
- ✓ Ўзлаштириш даражаси билан – қандай даражада ўзлаштириш керак?

Ўқитиш мазмуни таълим бериш ва ўз ўзини ўқитишда жараёнида амалга оширилади, яъни ақлий фаолиятда.

Ўқитиш мазмунига қуйидаги таркиблар киради:

- ✓ Табиат, жамият, техника, фикрлар ва фаолият йўллари тўғрисидаги илмий билимлар;
- ✓ Ақлий билимлар ва амалий кўникма ва малакалардан иборат бўлган, фаолият йўлларини амалга оширувчи тажриба;
- ✓ Ижодий, изланувчилик фаолияти тажрибаси.

Ўқитиш мазмуни қуйидаги меъёрий ҳужжатлар билан аниқланади: Давлат таълим стандарти, ўқув муассасининг ўқув режаси, ўқув дастурлари, адабиёт ва ўқув қўлланмалар.

Таълим беришда ўқитиш усуллари асосий ўринни эгаллайди. Усул айнан нимагадир йўл, деган маънони англатади, яъни мақсадга эришиш йўлини билдиради. Усуллар ҳар қандай ахборотни (мақсадни) узатиш ва қабул қилиш тарзига қараб қуйидаги турларга ажратилади:

а) оғзаки усул;

- б) кўргазмали усул;
- в) амалий усул.

Таълим жараёнида ўқувчиларни ўзлаштириш, фикрлаш жараёнини ташкил этиш бўйича эса қуйидаги усулларни ажратиб кўрсатиш мумкин.¹³

- а) ўқитишнинг маъруза (суҳбат) усули;
- б) ўқитишнинг амалий ишлар усули;
- в) лобаратория ишлари усули;
- г) мустақил ишлар усули;
- д) репродуктив-эвристик усули;
- е) илмий-тадқиқот усули;
- ф) ўқитишнинг муаммоли-изланиш усули;
- з) ўқитишнинг индуктив ва дедуктив усули.

Ахборотни оғзаки етказиш ва қабул қилишга қаратилган биринчи гуруҳ усулларига ҳимоя, маъруза, суҳбат кабиларни киритиш мумкин.

Ҳимоя усули. Нутқ маданиятининг ўстиришда ҳимоянинг ўқитиш ва фикрларни баён қилиш усули сифатидаги имкониятлари бошқа усулларга нисбатан юқоридир. Ҳикоя қилиш усулида ўқитувчи томонидан янги ўқитилаётган мавзуга оид далил, ходиса ва воқеалар яхлит ёки қисмларга бўлиб, образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён этилади. Бу усул таржимаи ҳол материалларини баён қилишда, образларга тавсиф беришда, табиат ҳодисалари ва ижтимоий ҳаётдаги воқеаларни тасвирлашда қўл келади.

Ҳикоя қилиш давомида ўқувчилар сушт тингловчи бўлиб қолишларига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун ўқувчилар диққатини тасвирланаётган объектга қаратибгина қолмай, балки худди шу объект ҳақида уларнинг онгли ва фаол фикр юритишларини ҳам таъминлаш лозим.

Ўқув материални тушунтириш ўрганилаётган мавзудаги нарса, ходиса ва воқеалар мазмунини таърифлайдиган тушунча, қонун ва қоидаларнинг ўқитувчи томонидан ўқитирилишидир. Бу усул математика, физика, кимё, она тили, рус тили ва шунга ўхшаш фанларни ўқитишда кўпроқ қўл келади. Бунда ўқитувчи маълум бир фаннинг у ёки бу мавзусига оид қонун, қоидаларнинг нақадар асосли эканлигини далиллар, мисол келтириш, шунингдек масала ва мисоллар ишлаш йўли билан исботлаб беради.

Бу жараёнга ўқувчиларнинг фаол иштирок этишларини таъминламай туриб, кутилган мақсадга эришиб бўлмайди. Айниқса, баён қилинаётган материалларни умумлаштириш ва хулоса чиқаришда ўқувчиларнинг мулоҳазалари билан иштирок этишини таъминлаш муҳим.

Маъруза усули. Бу усул ўқув материали ҳажмининг катталигини, мантиқий тузилиши, образлари, исбот ва умумлаштиришнинг анчагина қисминигина эгалласа, маъруза одатда уларни тўла қамрайди. Маъруза давомида муаммоли вазиятлар вужудга келтириш, мавзуга оид кўргазмали материалларни намоиш этиш, маъруза охирида умумий хулосалар чиқариш кабилар самарадорликни

¹³ Исроилов А.А. “Таълим тизимида Янги педагогик технология самарадорлигини ошириш усуллари” Таълим технологиялари, 2007 -№2. Б. 6-9.

оширади. Маъруза усули кенг қамровли ахборотни талабаларга етказишда жуда қулай.

Суҳбат усули. Бу усул асосан савол жавоб тарзда олиб борилади. Суҳбатларнинг маълум мақсадга қаратилганлиги улар белгилайди. Суҳбат эвристик, этик, инструктив услубий шаклда бўлиши мумкин. Суҳбат усули ўқувчиларнинг фаол иштироки орқали ўтказилганлиги учун мустақил фикрлаш, хулосалаш каби хислатларни шакллантиради.

Ўқитишнинг кўргазмали усули. Ўқитиш жараёнида кўргазмалилик усулидан фойдаланиш ўқувчини ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни ҳиссий идрок этишга уларни кузатиб мушоҳада қилишга ундайди, мантикий ва назарий унсурларнинг бирлигига ишонч ҳосил қилиш, ниҳоят, назарий билимларни амалда қўллай олишга ўргатади.

Таълимда кўргазмалилик усули – намоёиш этиш, иллюстрация ва экскурсия тариқасида олиб борилиши мумкин. Таълимда намоёиш этиш усулидан фойдаланиш асосан материалларнинг тури мазмуни, шакли ҳамда ҳажмига боғлиқдир. Намоёишнинг ўзи ҳам турлича бўлиши мумкин: аслича кўрсатилиши мумкин. Таълимда намоёиш этиш усулидан фойдаланиш асосан материалларнинг тури, мазмуни шакли ҳамда ҳажмига боғлиқдир. Намоёишнинг ўзи ҳам турлича бўлиши мумкин: аслича кўрсатилиши мумкин бўлган буюм ва нарсалар, ўсимликлар ва уларнинг таркиби, турланмалар, асбоб ва машиналар, намуналар ва ҳ.к.

Экскурсия усули синф шароитида, дарс жараёнида қўлланиладиган ўқитиш усулидан тубдан фарқ қилади. Бу усул билан ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни кузатиш учун табиий шароит (завод, фабрика, табиат кабилар) ёки махсус муассасалар (музей, кўргазма ва ҳаказолар) ташкилий равишда борилади. Экскурсия вақтида кузатиш, зарур материалларини ёзиб олиш, расмга тушириш, ўлчаш, ҳисоблаш ишларини бажариш мумкин. Экскурсия давомида суҳбат ўтказиш, хулосалар чиқариш, ўз фикрларини умумлаштириш ва якун ясаш лозим.

Ўқитишнинг амалий ишлар усули. Амалий усулга масалалар ечиш, чизмалар тайёрлаш, ёзма машқларни бажариш кабиларни киритиш мумкин. Бунда назарий жиҳатдан эгалланган билимлар амалда синаб кўрилади. График, жадвал, карталар чизиш ҳам тегишли кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга ҳамда уларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Таҷриба ишлари усули. Таҷриба усулида машғулотлар умумий (фронтал) таҷрибалар, таҷриба ишлари, амалий ишлар тарзида ўтказилиб, бунда ўқитиш техник воситалар ва қуроллари кўринишидаги бошқа асбоб – ускуналар билан олиб борилади. Лобаратория усулининг бошқа ўқитиш усуллари билан фарқи шундаки, бу усул билан иш кўрилганда ҳар қайси ўқувчи ниманидир мустақил, шахсан таҷрибада синайди. Дарс ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчиларнинг мустақил таҷриба ўтказишларига қаратилган бўлади. Лобаратория машғулотларида мустақиллик, фаоллик, ташаббускорлик ошади.

Мустақил ишлар усули. Кейинги даврда ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишга катта эътибор берилмоқда. Чунки бу усул ўқувчида ижодкорликни, мустақилликни ривожлантиради. Ўқув дастурларида мустақил

ишларини ташкил этишда маълум фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб мустақил иш мазмуни, шакли ва вазифалари танлаб олинади. Ўқитувчи топширилган мустақил ишни бажариш учун керакли адабиётлар ва йўл- йўриқларни кўрсатиши, қисқача тушунтириб бериши лозим. Бажарилиши бажарилиши керак бўлган мустақил иш кўп вақт эгалламаслиги ва шу билан бир вақтда ўқувчига ривожлантирувчи таъсир кўрсатиши керак.

Репродуктив эвристик усули. Репродуктив усуллар биринчи навбатда ўқитувчиларнинг ўқув материални тезроқ ва мустаҳкамроқ эслаб қолишларини таъминлаш, билимдаги оддий камчиликларни тез аниқлаш учун қулай. Репродуктив усуллар, айниқса, ўқув материалнинг мазмуни асосан ахборот тарзидаги мураккаб ва бутунлай янги билимларнинг ўрганилишида самарали натижа беради. Тафаккурнинг репродуктивлик жиҳати ўқув ахборотларининг ўқитувчи ёки бошқа манба орқали фаол хабар қилиниши ва эслаб қолинишини назарда тутди. Ҳикоя, маъруза, кўргазмалилик ва амалий ишлар ҳам репродуктив асосга қурилиши мумкин. Репродуктив тусдаги амалий ишлар, машғулот давомида ўқувчилар намунага кўра илгари ёки яқиндагина ўзлаштирган фаоллигини ошириш мақсадида кўпинча эвристик, яъни қисман изланувчан усулни қўшиб олиб борилиши билан фарқ қилади. Янги мавзу баёнида ўрганилаётган материалнинг баъзи унсурлари устида ўқувчиларга фикр юритиш имкони берилади. Ўқитувчи томонидан енгил, қисқа саволлар тузилиб, уларга ўқувчилар иштирокида жавоб топишга ҳаракат қилинади. Эвристик усул ўқувчиларнинг билиш даражасини аниқлашга ҳам ёрдам беради. Демак, эвристик усул янги мавзунини идрок қилишда ўқувчиларнинг ҳам қисман иштирок этишини таъминлайди.

Илмий тадқиқот усули. Бу усул таълим тизимида унчалик кенг тарқалмаган усул бўлиб, маълум тайёргарликни талаб этади. Ўқитувчи раҳбарлигида талабалар ёки бир талаба маълум илмий тадқиқотларни ўтказиши ва маълум фан учун янги хулосаларни чиқариши, мана шу усулни қўллаш жараёнида вужудга келади. Бу усул олийгоҳларда кўпроқ қўлланилади. Бу усул давомида илмий билиш жараёни содир бўлади, яъни ҳали номаълум бўлган билимлар кашф этилади ва эгалланади. Бунинг учун илмий тадқиқот режаси тузилади, мақсад белгиланади ва тадқиқот усуллари танланиб олинади. Тадқиқот натижалари асосида хулосалар ясалади.

Ўқитишнинг муаммоли-изланиш усули. Янги мавзунини ўқитиш жараёнида ўқувчиларга материални тайёр ҳолда баён этмасдан, муаммо сифатида тақдим этиш муаммо-изланиш усулини келтириб чиқаради. Яъни дарс давомида хулосалар ўқитувчи эмас, балки ўқувчи томонидан чиқаришига ҳаракат қилинади. Ҳар бир ўқувчи қуйилган муаммони ўзича ёндошиб ҳал этишга уриниб, фикрларини баён этади. Ўртага ташланган фикрлар муҳокама қилинади ва ўқитувчи томонидан йўналтирилади. Ўқитувчи ва ўқувчилар биргаликда хулоса чиқаради. Муаммоли- изланиш усули ўқувчиларнинг билиш фаолиятини жадаллаштиради, мустақилликка, ижод қилишга ўргатади, ўқишга бўлган қизиқишни оширади, шахсий фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради. Бу усул ўрганилаётган масалани чуқур таҳлил этишга ва билимларнинг пухта бўлишига

кўмаклашади. Бу усулда ўрганилаётган масаланинг чуқур таҳлили учун ўқувчиларнинг тафаккур даражаси ҳисобга олиниши керак. Танланган мавзунинг таҳлил этиши учун ўқувчиларда маълум билимлар базасининг мавжуд бўлиши шарт. Шу боис бу усулни қўллашда талабалар алоҳида ахборотлар билан қуроллантирилади. Кейинги даврларда муаммоли – изланиш усулидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўқитишни индуктив ва дедуктив усули. Ўқитишнинг мантикий усуллари икки турда: Индуктив ва дедуктив усуллар билан олиб борилиши мумкин.

Дарсларга тайёrlаниш жараёнида ўқитишнинг индуктив, дедуктив каби усуллари танлаш зарурати ҳам туғилади. Кейинги даврларда дедуктив ўқитишга талаб ва эътибор кучайди. Аммо тафаккурнинг индуктив усуллари шакллантирмай туриб, фақат табиий- илмий эмас, балки умумий меҳнат тусидаги тажрибаларда ҳам муваффақиятга эришишга умид қилиб бўлмайди. Индуктив ёки дедуктив усулларни қўллаш, ўрганилаётган мавзу мазмунини очишда маълум мантикий хусусийдан умумийга ёки умумийдан хусусийга ўтишни танлашни англатади.

Индуктив усуллар техник қурилмаларни ўрганишда ва амалий топшириқларни бажаришда кенг қўлланилади. Математика ва физика доир кўпгина масалаларда, айниқса, ўқитувчи ўқувчилар айрим умумийроқ формулаларни мустақил эгаллашлари зарур, юеб ҳисоблаган ҳолларда индуктив усул қўл келади.

Ўқитувчи дедуктив усулдан фойдаланганда ўқувчига аввал умумий ҳолат, формула ва қонуни беради ва аста-секин айрим ҳолатларни чиқариб, аниқроқ вазифаларни ҳал этишни назарда тутди. Дедуктив усул ўқув материални тезроқ ўтишга ёрдам беради, абстракт тафаккурни фаолроқ ривожлантиради. Назарий материални ўрганишда, анчагина умумийроқ ҳолатлардан айрим оқибатларни аниқлашни талаб қилувчи масалаларни ечишда дедуктив усулни қўллаш айниқса фойдалидир.

Таълим воситалари- таълим мақсадини амалга ошириш йўлида хизмат қилаётган усулларнинг муваффақиятини таъминлашда ишлатиладиган ўқув асбоблари. Улар иссиқлик сиғимини ўлчаш асбоби, компьютерлар, турли хил лабораторияда ишлатиладиган аппарат турлари, ўлчаш асбобларидан ташкил топилиши мумкин. Таълим воситалари ўқувчиларнинг амалий ишларни бажаришида ҳамда малака ҳосил қилишида муҳим аҳамиятга эга.

Дастурлаштирилган таълим. Дастурлаштириш деганда, ўқув материални ўрганишнинг ҳар қандай дастури эмас, балки дастурлаштиришнинг кибернетик ва математик қоидалари ёки шартларига мувофиқ дастургина тушунилади. Маълумки, кибернетика мураккаб тизим ёки жараёнларни энг қулай йўл билан маълум мақсадга мувофиқ ҳолда идора қилиш ҳақида баҳс юютади. Ўқувчиларга тегишли илмий маълумотларни қайта ҳисобга олишини таъминлаш, текшириб кўриш, ўз-ўзини текшириш каби вазифаларни кибернетика бошқаради. Дастурлаштирилган таълим эса, юқоридаги каби кибернетика илми ва усулларига боғлиқ ҳолда иш кўради. Дастурлаштирилган таълимнинг бош вазифаси ўқувчилар мустақил ишининг унумдорлигини оширишга ёрдам беришдан

иборатдир. Дастурлаштирилган таълим икки йўналишда: машина воситасида ҳамда машина воситасисиз олиб борилади. Ўқитувчи шуни назарда тутиши керакки, дастурлаштирилган матнларда ақлни ўстириш дастури эмас, балки ўқув материалини ўрганиш дастури берилган. Шунинг учун бу усулдан фойдаланишда ҳам унинг камчиликларини ҳисобга олиш лозим.

4.3. Мутахассисликни ўргатувчи фанларни маъруза ва амалий машғулотларини ташкил этишда янги педагогик технологияларнинг моҳияти

Ўзбекистон миллий тараққиётининг энг маъсулиятли босқичи- ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг кескин бурилиши даврини бошидан кечирмоқда. XX аср тугаб, жамиятимиз ҳар бир фуқароси XXI асри ибтидосида, ортида қолган йилларни сарҳисоб қилиш ва келажак ҳаётининг турли жабҳалари режасини белгилаб олиш муаммосига дуч келиши ижтимоий фан олимлари зиммасига катта вазифаларни юклайди.

Юқоридагилар жамият ҳаёти барча жабҳаларининг муваффақиятини белгилаб берувчи, шу билан бирга, уларнинг пойдевори ҳисобланувчи таълим-тарбия соҳасига ҳам тўлалигича тегишлидир.

Республика Президенти таълим-тарбия соҳасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндашиб, уни қуйидагича таърифлайди: «Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчанлик фаолиятини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доимо тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади»¹⁴

Ўзбекистонда таълимни ислох қилиш омиллари 29 август 1997 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурида ўз ифодасини топган.

Миллий дастурни амалга оширишнинг қуйидаги 3та босқичи мавжуд:

1.Биринчи босқич. (1997-2001 йиллар) мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислох қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жихатдан, илмий-услубий, молиявий моддий шарт-шароитлар яратиш.

2.Иккинчи босқич. (2001-2005 йиллар) миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорини ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш, мажбурий. Умумий, ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига шунингдек ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўтиш тўлиқ амалга оширилади.

3.Учинчи босқич. (2005 ва ундан кейинги йиллар) тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий

¹⁴ Ислон Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон» 1992 йил 78-бет.

ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.¹⁵

Бу жараёнда янги педагогик технологияларнинг бир қанча муаммолари ўз ечимини топади.¹⁶

Улар:

Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустахкамланади, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажбуриятлар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади. Миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш амалга оширилади. Касб-хунар таълими муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўзини-ўзи бошқариш шакллари мустахкамланади. Таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уландиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олинади.

Янги педагогик технологияларнинг асосий хусусиятлари ва тузилиши.

Анъанавий ўқув жараёнида самарадорликни оширувчи энг муҳим омил ўқитувчининг маҳорати ҳисобланса, янги педагогик технология асосида ўқитувчи дарснинг энг муҳим омили лойиҳалаштириш, яъни технологиянинг режасини ишлаб чиқишдир. Албатта, бу лойиҳа янги педагогик технологиянинг тамойиллари ва қонуниятларига бўйсунган ҳолда яратилиши шарт. Янги педагогик технологияларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишда қуйидаги асосий хусусиятларни ҳисобга олиш лозим:

1. Ғоявий хусусияти. Ҳар бир янги педагогик технология ўзида маълум мантиқий ғояни акс эттириши, маълум мақсадга қаратилган бўлиши керак.

2. Тизимлилик хусусияти. Педагогик технология- лойиҳа тартибсиз унсурлардан эмас, балки ҳамма қисмлари ўзаро боғланган яхлит мантиқий жараён сифатида қаралиши керак, яъни тизимини тушунчасига мос ҳолда ишлаб чиқилиши шарт.

3. Бошқарилувчанлик хусусияти. Босқичма-босқич ташхис қўйиб бориш ўқув жараёнининг лойиҳасини тузишда восита ва усулларнинг турли вариантларидан фойдаланиб, тузатишлар киритиш ҳамда охириги натижанинг самарали бўлишини таъминлаш имконига эга. Яъни бошқарилувчи жараёндир.

4. Самарадорлик хусусияти. Замонавий педагогик технологияларнинг натижаси самарали, сарф этилувчи вақт ва сарфланувчи куч жиҳатидан қулай, ўқув стандартлари даражасига эришишда эса кафолатига эга бўлиши керак.

5. Қайта такрорлана олиш хусусияти. Педагогик технологиялар шундай аниқликка эга бўлиши керакки, ҳар қандай ўқитувчи бу технология билан танишиб чиққан, уни амалга ошира олиши, яъни такрорлаш имконияти бўлиши лозим.

Янги педагогик технологияларни ишлаб чиқарилиши ва кенг тарқалишида айниқса ёш педагогларнинг аҳамияти катта. Тажрибага эга бўлмаган педагог ҳам, тажрибали, юксак маҳоратга эга бўлган педагог ҳам танлаб олинган педагогик

¹⁵ Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.Т.,Шарк,1997

¹⁶Бердикулов В. “Педагогик технологияларни таълим самарадорлигини ошириш омили” Касб-хунар таълими -2007 -№6 Б 4-5.

технологиядан фойдаланиб, ўқув жараёнини ташкил қилганларида эришилган натижалар деярли бир хил бўлиши кузатилади. Демак, педагогик технологиялар ўқув жараёнининг натижаларини тенглаштиришда аҳамиятли.

Ўқув жараёнини фан ва техникаданинг сўнгги ютуғларидан фойдаланиб ташкил этиш –бугунги куннинг талабидир. Ҳозирда ўсиб келаётган авлоднинг таълим соҳасида ташкил этилган **замонавий моддий-техник базасидан** самарали фойдаланишни таъминлаш, олий ва ўрта махсус таълими тизимидаги йўналишлар ва мутахассислар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқувдастурлари, ўқув-методик адабиётларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Назорат учун саволлар

1. Таълимнинг ташкилий шакллари ва дастурлари.
2. Таълим жараёнида фойдаланиладиган ўқитиш усуллари.
3. Мутахассисликни ўргатувчи фанларни маъруза ва амалий машғулотларини ташкил этишда янги педагогик технологияларнинг моҳияти.
4. Маъруза ва унга қўйиладиган талаблар.
5. Семинар ва унинг функциялари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А.Сластенина. – М.: Академия, 2004.
2. М.Ҳакимова. Касбий педагогика. ТДИУ., 2012. 180 б.
3. М.Ҳакимова. Касб педагогикасию Т. “Фан ва технологиялар”, 2008. 251 б.
4. Hugh Busher, Rene Saran. “Managing Teachers as Professionals in Schools (Management and Leadership in Education)” – UK. Kindle Edition., 2013 – 192 p.
5. Wadi D, HaddadAlexandra Draxler. “Technologies for education” – USA. Academy for Educational DevelopmentWashington, DC., - 2002.
6. www.dailymotion.comEducational economics.
7. <http://www.textbooksonline.tn>Economic Theory.
8. <http://www.ij sre.com> International Journal of Scientific Research in Education.

5-МАВЗУ. ШАХСНИ РИВОЖЛАНИШИДА ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

- 5.1. Шахс ривожланиши ҳақида тушунча. Индивид, шахс, индивидуаллик.
- 5.2. Шахс тарбиясига таъсир этувчи омиллар.
- 5.3. Шахс ривожланишида фаолиятнинг ўрни.
- 5.4. Ривожланишнинг ёш ва ўзига хос хусусиятлари.
- 5.5. Шахснинг ижтимоийлашуви.

5.1. Шахс ривожланиши ҳақида тушунча. Индивид, шахс, индивидуаллик

Шахс тушунчаси инсонга тааллуқли бўлиб, психологик жиҳатдан тараққий этган, шахсий хусусиятлари ва хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турувчи, муайян хулқ-атвор ва дунёқарашга эга бўлган жамиятнинг аъзосини ифодалашга хизмат қилади. Одам шахс бўлиши учун психик жиҳатдан ривожланиши, ўзини яхлит инсон сифатида ҳис этиши, ўз хусусиятлари ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қилмоғи керак.

“Индивид” нима? Бола маълум ёшга қадар “индивид” саналади. Индивид (лотинча “*individuum*” сўзидан олинган бўлиб, «бўлинмас», «алоҳида шахс», «ягона» маъноларини англатади) хатти-ҳаракатларини шартли рефлекс ёрдамидагина ташкил эта олувчи биологик мавжудотдир.

Индивидуаллик эса шахснинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, унинг намоён бўлиши тарбия жараёнини амалга оширишда бола шахсини пухта ўрганиш, унинг яшаш шароитларидан етарли даражада хабардор бўлиш ва уларнинг ҳисобга олинишини тақозо этади.

Индивидуал ёндашув ўқувчиларнинг ақлий қобилиятлари, билишга бўлган қизиқиш ҳамда истеъдодини намоён этишда муҳим аҳамиятга эга.

Бола ҳаракатлари онгли, ижтимоий муносабатлар жараёнидаги иштироки натижасида шакллана боради.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларининг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи сифатида таърифланади.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, унинг ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида намоён бўлишига эришишни назарда тутди. Мазкур ижтимоий талабнинг амалга оширилиши ҳар бир фуқаронинг билим олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиши ҳамда муайян касб йўналиши бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқни кафолатлайди.

Одамнинг ижтимоий мавжудот сифатида шахсга айланиши учун ижтимоий муҳит шароитлари ва тарбия керак бўлади. Ана шулар таъсирида одам инсон сифатида ривожланиб боради ва шахсга айланади.

Ривожланишнинг ўзи нима?

Ривожланиш шахснинг физиологик ва интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб

жараёндир. Ривожланиш моҳиятан оддийдан мураккабга, куйидан юқорига, эски сифатлардан янги ҳолатларга ўтиш, янгилиниш, янгининг пайдо бўлиши, эскининг йўқолиб бориши, миқдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига ўтишини ифодалайди. Ривожланишининг манбаи қарама-қаршиликларни ўртасидаги курашдан иборатдир.

Бола шахсининг ривожланиши инсон ижтимоий мавжудотдир деган фалсафий таълимотга асосланади. Айни вақтда инсон тирик, биологик мавжудот ҳамдир. Демак, унинг ривожланишида табиат ривожланишининг қонуниятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, шахс бир бутун мавжудот сифатида баҳоланар экан, унинг ривожланишига биологик ва ижтимоий қонуниятлар биргаликда таъсир этади, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Чунки шахснинг фаолияти, ҳаёт тарзига ёши, билими, турмуш тажрибаси билан бирга бошқа фожиаҳо ҳолатлар, касалликлар ҳам таъсир этади.

Инсон бутун умри давомида ўзгариб боради. У ҳам ижтимоий, ҳам психик жиҳатдан камолга етади, бунда болага берилаётган тарбия мақсадга мувофиқ бўлса, у жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар тизимида ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Чунки ривожланиш тарбия таъсири остида боради.

Шахснинг фазилатларини тўғри кўриш ва беҳато баҳолаш учун уни турли муносабатлар жараёнида кузатиш лозим.

Демак, шахсни ривожлантириш вазифасини тўғри ҳал этиш учун унинг хулқига таъсир этувчи омиллар ҳамда шахс хусусиятларини яхши билиш зарур.

Тарбия болага самарали таъсир этиши учун ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини билиш ва ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Шундай қилиб, ривожланиш ва тарбия ўртасида икки томонлама алоқа мавжуд.

5.2. Шахс тарбиясига таъсир этувчи омиллар

Фанда, одамнинг шахс сифатида ривожланишига биологик ва ижтимоий омилларнинг таъсири ўртасидаги муносабатни белгилашга оид мунозара кўпдан буён давом этмоқда. Инсоннинг шахс сифатида, ривожланишида ижтимоий ҳодисаларнинг таъсири кучли бўладими? Ёки табиий омиллар етакчи ўрин тутадими? Балки тарбиянинг таъсири юқоридир? Улар ўртасидаги ўзаро муносабат қандай?

Фанда биологик йўналиш деб номланган нуқтаи назар етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, унинг вакиллари Аристотел, Платонлар табиий-биологик омилларни юқори қўяди. Улар туғма имкониятлар, тақдир, толе ҳар кимнинг ҳаётдаги ўрнини белгилаб берган, дейдилар.

XVI аср фалсафасида вужудга келган преформизм оқими намояндалари эса шахс ривожланишидаги наслнинг ролига катта баҳо бериб, ижтимоий муҳит ва тарбиянинг ролини инкор этади.

Хориж психологиясидаги яна бир оҳим – бихевиоризм XX аср бошларида юзага келган бўлиб, унинг намояндалари, онг ва ақлий қобилият наслдан-наслга

ўтиб, инсонга у табиатан берилган, дейилади. Мазкур таълимот вакили америкалик олим Э.Торндайдир.

Прогматизм оқими ва унинг вакиллари Д.Дьюл, А.Комбе ҳам шахс ривожланишини биологик нуқтаи назарда асослайдилар. Улар ривожланишни фақат микдорий ўзгаришдан иборат, деб қарайдилар. Наслнинг ролини абсолютлаштириб, уни инсон тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб биладилар.

Демак, бир гуруҳ хорижий олимлар ривожланишни биологик (наслий) омилга боғлайдилар.

Биологик оқимга қарши фалсафий оқим вакиллари ривожланиши ижтимоий омил билан белгилайдилар. Бу оқим вакиллари бола шахсининг жисмоний, психик ривожланиши у яшайдиган муҳитга боғлиқ деб кўрсатадилар.

Муҳит деганда одам яшайдиган шароитдаги барча ташқи таъсир тушунилади.

Шу нуқтаи назардан тарбия туфайли болани ўзи яшайдиган ижтимоий шароитга мослаштириш мумкин, деган хулоса келиб чиқади.

Улар ижтимоий муҳитнинг ролини ҳал қилувчи омил деб ҳисоблайдилар. Демак, одам боласининг шахс сифатида ривожланиб, тараққий этиб бориши, унинг шахс бўлиб камолга етишида насл (биологик омил), ижтимоий муҳит (бола яшайдиган шароит), шунингдек, мақсадга мувофиқ амалга оширадиган тарбия ҳам бирдек аҳамиятга эга. Бу омилларнинг таъсирини аниқлашда илғор педагогик олимлар, психолог ва файласуфлар таълимотига суянилади.

Фалсафада шахсни жамият билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳаётдаги мураккаб воқелик деб қаралади. Улар индивиднинг маънавий бойлиги унинг муносабатларига боғлиқ, деб ҳисоблайдилар.

Ҳақиқатдан ҳам, шахс меҳнат фаолияти заминида ривожланади, камолга етади. Инсон шароитни, шароит эса одамни яратади. Бу эса ўз навбатида инсон фаоллигини намоён этади. Зеро, шахс маълум ижтимоий тузум маҳсулидир. Жамият шахс камолотининг муайян имкониятларини рўёбга чиқариши ёки йўқ қилиши мумкин.

Файласуфлар шахсни табиатнинг бир бўлаги деб баҳолайдилар. Бу инсондаги лаёқат куртаклари бўлиб, унинг ривожланиши учун тарбия керак, деган ғояни ифодалайди.

Жамият тараққиёти шахс ривожланиши учун кенг имкониятларни яратади. Демак, шахс билан жамият ўртасида ҳам узвий алоқа мавжуд.

Шундай қилиб, одам шахсининг жамиятдаги ривожланиши табиат, муҳит, инсон ўртасидаги мураккаб алоқа таъсири остида рўй беради, инсон уларга фаол таъсир этади ва шу йўл билан ҳаёти ва ўз табиатини ўзгартиради.

Шахсга ижтимоий муҳитнинг таъсири ҳам муҳим. Бу тарбия тизими орқали амалга оширилади. Яъни, биринчидан, тарбия таъсирида муҳит бера олмаган билим, маълумот эгалланади, меҳнат ва техник фаолият билан боғлиқ кўникма ва малакалар ҳосил бўлади.

Иккинчидан, тарбия туфайли туғма камчиликлар ҳам ўзгартирилиб, шахс камолга етади.

Учинчидан, тарбия ёрдамида муҳитнинг салбий таъсирини ҳам йўқотиш мумкин.

Тўртинчидан, тарбия келажакка қаратилган мақсадни белгилайди.

Демак, тарбия билан ривожланиш бир-бирига таъсир этади, бу тарбия доимий ва узлуксиздир.

Шундай қилиб, бола шахсининг ривожланишида тарбия ҳам етакчи ўринга эга бўлиб, тарбия туфайли насл-насаби, оила муҳити, ижтимоий муҳит таъсирида ҳар томонлама ривожланишга қодир, деган хулосани чиқариш мумкин.

5.3. Шахс ривожланишида фаолиятнинг ўрни

Шахс ривожланишида ирсият, муҳит, тарбия билан бир қаторда инсон фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу дегани инсон қанчалик меҳнат қилса, унинг ривожланиши шунчалик юқори бўлади.

Фаолият ўзи нима? Фаолият шахс томонидан табиий ва ижтимоий ҳаётни мақсадга мувофиқ ташкил этилувчи кундалик, ижтимоий ёки касбий ҳаракатларнинг муайян шакли, кўриниши. Инсоннинг қобилияти ва ёши у томонидан ташкил этилаётган фаолият моҳиятига кўра белгиланади.

Фаолият жараёнида инсон шахси, ҳар томонлама ва бир бутун, яхлит ҳолда ривожланади. Лекин фаолиятни мақсадга мувофиқ амалга ошириши учун уни тўғри ташкил этиш лозим. Лекин кўп ҳолатларда шахсининг ривожланиши учун имкониятлар яратилмайди, тарбияланувчиларнинг ижтимоий меҳнат, билиш фаолиятлари чекланган бўлади.

Ўсмир ва ўспиринлар фаолиятининг асосий турларига ўйин, ўқиш ва меҳнат киради. Улар йўналишига кўра билишга доир, ижтимоий, спорт, бадий, техник, хунармандчилик ҳамда шахсий қизиқишга кўра танланган соҳалардан иборат. Фаолиятнинг асосий тури – мулоқотдир.

Фаолият фаол ва пасив бўлиши мумкин. Ўсмир фаолияти муҳит ва тарбия таъсирида фаоллашиши ёки сусайиши мумкин. Инсон шахсининг ривожланишида унинг бутун вужуди билан севиб, ўз имкониятларини намоён этиб, меҳнат қилиш, ўзини шахс сифатида кўрсата олиши унда ўз фаолиятидан қониқиш ҳосил қилади. Унинг ижтимоий меҳнатдаги иштирокида фаоллик кўзга ташланади.

Таълим жараёнидаги фаоллик ўқувчига билимларни чуқур ва мустақкам эгаллашга, ўз қобилиятини намоён этишга йўллайди. Билишга бўлган фаоллик ўқувчининг интеллектуал ривожланишини таъминлайди.

Фаоллик кўрсатишнинг асосини эса ҳамма вақт эҳтиёж ташкил этади. Эҳтиёжларнинг хилма-хиллиги фаолиятнинг ҳам турларини кенгайтиради. Шунга кўра, ўқувчининг турли ёш давларида уларнинг фаолияти турлича бўлади. Таълим муассасасида, ҳамма вақт бир хил талаб шахс ривожланишида ижобий натижа беравермайди. Турли ёш давларида фаолиятнинг турлари ва моҳияти ўзгариб туриши керак.

Инсоннинг ижтимоий фаоллиги, қобилияти барча муваффақиятларининг гаровидир. Чунки ҳар бир инсон ўз меҳнати, ғайрати, интилиши билангина фаоллашади. Ўқитувчи қанчалик яхши ўқитмасин ёки тарбия бермасин,

тарбияланувчининг ўзи ҳаракат қилмаса, ривожланиш муваффақиятли кечмайди. Зеро, барча маънавий-ахлоқий камчиликларнинг асосий сабаби ҳам инсоннинг ўз фаолиятини тўғри йўлга қўймаганлигидадир.

Шунинг учун ҳам инсон фаолияти унинг ривожланиши натижаси ҳамдир. Демак, шахс фаоллиги асосида ижтимоий фаоллик, ташаббускорлик, ижодкорлик хислатларини шакллантириш – унинг шахслик имкониятларини намоён этиши орқали фаолиятини ривожлантириш муҳим саналади.

5.4. Ривожланишнинг ёш ва ўзига хос хусусиятлари

Муайян бир ёш даврига хос бўлган анатомик, физиологик (жисмоний) ва психологик хусусиятлар ёш хусусиятлари деб аталади. Ана шу ёш хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбия иши ташкил этилади. Шунда бола ривожланишига тарбия таъсири кучли бўлади.

Болаларнинг тарбиясига тўғри ёндашиш, уни муваффақиятли ўқитиш учун бола ривожланишидаги турли ёшдаги даврларига хос хусусиятларни билиш ва уни ҳисобга олиш муҳимдир. Чунки бола организмнинг ўсиши ҳам, ривожланиши ҳам, психик тараққий этиши ҳам турли ёш даврларида турлича бўлади. Абу Али Ибн Сино, Ян Амос Коменский, К.Д.Ушинский, Абдулла Авлониёлар ҳам болани тарбиялаш зарурлигини уқтириб ўтганлар.

Боланинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиш жуда мураккаб. Чунки бир хил ёшдаги болалар ҳам психик жиҳатдан турлича бўлиши мумкин.

Масалан, кўриш ва эшитиш қобилияти, фаоллиги, тез англаш, суст фикр юритиши, ҳовлиқма ёки вазминлиги, сергап ёки камгаплиги, серғайрат ёки ғайратсизлиги, ялқов ёки тиришқоқлиги, пала-партиш ва чала ишлайдиган, йиғинчоқлиги ёки ишга тез киришиб кетиши кабилар нерв фаолияти тизимининг таъсири бўлиб, ўқитувчи ёки тарбиячи уларни билиши зарур.

Боланинг индивидуал – ўзига хос хусусиятини билиш учун темпераментнинг умумий типлари ва боланинг ўзига хос хусусиятини ўрганиш, методикасини билиш муҳим. Темперамент (лот. «temperamentum» «қисмларнинг бир-бирига муносабати» маъносини англатиб, шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуидир.

Шунингдек, турли ёш даврларининг ўзига хос ривожланиш қонуниятлари ҳам мавжуд. Масалан, 5-синф ўқувчилари билан 10-синф ўқувчисини тенглаштириб бўлмайди. Шунинг учун боланинг жисмоний ва психик камолоти қуйидаги даврларга бўлинади:

1. Гўдаклик даври – чақалоқлик (1 ой) даври тугагандан то бир ёшгача бўлган давр.

2. Боғчагача бўлган ёш даври – 1 ёшдан 3 ёшгача.

3. Мактабгача бўлган ёш даври – 3 ёшдан 7 ёшгача.

4. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар (болалар)–7 ёшдан 11,12 ёшгача.

5. Ўрта мактаб ёшидаги ўқувчилар (ўсмирлар) 14-15 ёш.

6. Катта ёшдаги мактаб ўқувчилари (ўспиринлар) – 16-18 ёш.

Кичик мактаб ёшида ўйин фаолиятининг ўрнини энди ўқиш фаолияти эгаллайди. Бу жуда қийин ўтиш даври бўлиб, боланинг бўйи, оғирлиги жиҳатдан унинг ташқи кўриниши кам фарқ қилади. Суяклари қотмагани туфайли тез шикастланади. Мускуллари тез ўсиши туфайли серҳаракат бўлади. Бош мияси тез ривожланади.

Жисмоний ўсишига хос бу хусусиятлар тарбиячидан эҳтиёткорликни талаб этади. Бу ёшда бола билим олиш ва ўрганишга қизиқувчан бўлади.

Болалар қизиқишини қаноатлантирувчи қизиқарли учрашув, сайр ва томоша ва экскурсияларни ташкил этиш зарур. Мазкур ёш даври ўқувчиларига эмоционаллик хос, уларнинг фикрлаши образли бўлади, ҳис-туйғулари мазмуни ўзгаради. Улар одамлар билан алоқа қилишга қизиқади.

Ўрта мактаб ёши (ўсмирлик 12-15 ёш). Ўсмирликнинг мураккаблиги анатомик-физиологик ва психологик хусусиятдаги кучли ўзгаришлар билан боғлиқдир. Боланинг ўсиши тезлашади. Бу даврни ўтиш даври ҳам дейилади. Бу даврда жинсий етилиш даври бошланади. Бу боланинг феъл-атворига таъсир этади. Ўсмир ҳаётида меҳнат, ўйин, спорт ва жамоат ишлари катта рол ўйнайди. Баъзиларининг ўзлаштириши пасаяди, интизоми бўшади.

Ҳозирги давр ўсмирларининг руҳиятида қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланади:

1. Интеллектуал ривожланиш – тафаккур қобилияти, ақлий фаолиятни юқори савияда ташкил этишни талаб этади, билишга қизиқиши ортади. Бу даврда тўғараклар, студия, секция, турли тадбирлар ўтказиш катта аҳамиятга эга. Уларнинг китоб ўқишга қизиқиши ортади.

2. Ўзини-ўзи англаш, баҳолаш, тарбиялаш шаклланади. У ўзини бошқалар билан солиштира бошлайди.

Аммо юқоридагилар билан бир қаторда, ўсмир характерида мураккаб қарама-қаршиликлар ҳам мавжуд бўлади. Бу ўсмир фаолияти, ҳулида янги хислатлар – ёш хусусиятнинг янгидан бошланиши саналади.

Лекин ўсмирларнинг ҳаммасида ҳам билишга қизиқиш даражаси юқори эмас, 38 фоиз ўсмир ҳеч қайси ўқув фанларини ўқишга қизиқмайди. Бошқаларининг учта ёки иккита ўқув фани, аксарият ҳолатларда эса битта ўқув фанига қизиқиши аниқланган. Кичик ёшдаги ўсмирлар қизиқиши ўқитувига боғлиқ. Лекин уларнинг қизиқишлари, шунингдек, китоб ўқишлари ҳам барқарор эмас.

Турли тўғаракларга 21 фоиз ўсмир қатнашади, қолганлари спорт ёки мусиқа билан шуғулланади. 40 фоиз ўқувчида, синфдан ташқари ишларда қатнашишда ҳам барқарорлик йўқ.

Энг муҳим қизиқиш – телеэшиттиришларга қаратилган. ТВни ҳар куни 88 фоиз ўсмир томоша қилади.

Улар оддий кунни ўз ихтиёрлари билан қандай ўтказадилар, деган саволга жавоб топиш учун ўтказилган тадқиқот натижалари қуйидагиларни қайд этди: 85 фоиз ўсмир вақтини ўз ҳолича ўтказади, 70 фоизи кино ёки телевизор кўради, 50 фоизи спорт билан шуғулланади, 45 фоизи ухлаб ёки ётиб дам олади. Шунингдек,

ёмон баҳо олмаслик учун мактабга борадиган ўсмирларнинг сони 15 фоизни ташкил этади.

Ўсмирларда бирор нарсага эришишга нисбатан талаб ривожланади. Улар томонидан ижтимоий талабларнинг бажарилиши асаб тизимининг ривожланишига таъсир этади. Шунинг учун мактаб ҳаёти “қийин” вазифаларга тўлиқ бўлади.

Бу ёшда ўсмирлар катталар олдида ўзининг эркинлигини намоиш этишга ҳаракат қилади. Ўзини-ўзи тарбиялашга бўлган талаб ўсади. “Дангаса”, “қўпол”, “беътибор”, “қобилиятсиз” деган катталарнинг баҳоларини улар оғриниб қабул қиладилар.

Ўсмир ёшида, ўғил ва қиз болалар ўртасида фарқ кучаяди. VII синфдан интеллектуал малакалар пасаяди. Шунинг учун бу даврда болалар ривожланишига катта эътибор бериш лозим.

Ўзини-ўзи тарбиялаш натижасида ўғил болалар кучли, эркин, эътиборли, жасур; қизлар эса – ўта қўниқувчан, камтар ва жиддий бўла бошлайдилар.

Шунинг учун ўсмирга ўз вақтини режалаштиришда ёрдам бериш зарур. 13-14 ёшгача ўсмирда бурч ҳисси, масъулиятни ҳис этиш, вазминлик пайдо бўла бошлайди. Муҳими, ўсмир шахсини ҳурмат ҳилиш, камситмаслик, катта бўлиб қолганлигини тан олиш зарур.

Катта мактаб ёши – коллеж, лицей ўқувчилари (ўспиринлик даври 15-18 ёш). Бу давр ўспиринларнинг илк балоғатга етган давридир. Мазкур даврда жинсий етилиш тугайди. Уларда мустақиллик сезила бошлайди. Ўспирин ёшлар ҳаётга келажак нуқтаи назаридан қарай бошлайдилар. Маданий даражасини орттиришга интилиш кучая боради, ҳис-туйғуларида ҳам ўзгариш юз беради. Ўзини-ўзи тарбиялашга киришадилар. Идеал танлаш ва унга эргашиш кучаяди. Бу даврда, улар ўртасида мунозаралар ўтказиш яхши натижа беради. Ўспиринлар ўз гуруҳига интилади. Шунинг учун ҳам ўспириннинг барча интилишлари маълум мақсадга йўналтирилган бўлиши зарур. Уларда ўқув фанларини танлашга нисбатан эҳтиёж кучая боради.

Ўспиринлик бу ақлий фаолиятнинг ҳам ривожланиш даври саналади. Улар ўз фикрларини мустақил ифодалашга ҳаракат қилиб, шахслик хислатларини намоиш эта бошлайдилар. Шунда ўқитувчилар ва катта ёшлилар уларнинг ҳали ғўр фикрлари ва дунёқарашларини тўғри йўналтиришлари муҳим. Зеро, бу даврда ўзини-ўзи англаш, маънавий-ахлоқий, ижтимоий хислатлари тез шаклланади.

Бунга унинг фаолияти, жамоада ва жамоат жойларида ўзини тутиши, одамлар билан тез мулоқотга киришиши ҳам туртки бўлади. Ўзини катталардек ҳис этиш, ўзига хослигини намоён этиш, бошқаларнинг диққатини ўзига қаратишга ҳаракат қилади. Ахлоқий муаммоларни ўз қарашлари нуқтаи назаридан ҳал эта бошлайди. Ҳаёт моҳияти, бахт, бурч, шахс эркинлигини ўз қизиқишлари билан ўлчайдилар. Шу боис уларга катта ёшлиларнинг беғараз, тўғри йўналиш беришлари ўта муҳим.

Мазкур даврда ёшлар ҳулқи ҳам таркиб топа бошлайди. Бунда шахснинг жамоадаги мавқеи, жамоа шахслари билан муомала-мулоқоти муҳимдир.

Албатта, бу борада, таълим муассасасида фаолият кўрсатаётган ёшлар ижтимоий ҳаракати таъсири катта аҳамиятга эга. Чунки ўспирин-ёшлар мустахил ҳаёт оstonасида бўлиб, уларнинг бу ҳаётга тўғри кадам қўйиши унинг жамиятнинг фаол фуқароси бўлишининг муҳим шартидир.

5.5. Шахснинг ижтимоийлашуви

Шахс ижтимоий муносабатлар жараёнида шаклланади. Чунки таълим жараёнида болаларга жамиятда бирга яшаш билан боғлиқ бўлган ҳолат ва ҳодисалар ўргатилади. Бу жараёнда ўқувчи жамиятга «киришади» ва у билан ўзаро муносабатда бўлади. Улар маълум ижтимоий тажриба (билим, кадрият, ахлоқий қоида, кўрсатма) орттирадилар, яъни, ижтимоийлашадилар.

Ижтимоийлашув узоқ давом этадиган мураккаб жараён. Чунки ҳар қандай жамият ривожланиш жараёнида ижтимоий ва ахлоқий кадриятлар, идеаллар, ахлоқий меъёрлар ва қоидалар тизимини ишлаб чиқади, ҳар бир бола юқоридаги қоидаларни қабул қилиб, ўрганиб мазкур жамиятда яшаш, унинг аъзоси бўлиш имкониятига эга бўлади. Бунинг учун жамият у ёки бу шаклда шахсга мақсадга мувофиқ таъсир этади. Бу таъсир таълим воситасида амалга ошади. Иккинчи томондан, шахснинг шаклланишига турли ғоялар, ижтимоий муҳит таъсир кўрсатади.

Одамлар ижтимоий меъёрлар ва ахлоқий қоидалар билан муносабатга киришадилар ва уни ўрганадилар.

Ижтимоийлашув жараёни ички қарама-қаршиликларга эга. Ижтимоийлашган инсон жамият талабларига мос келиши, унга «киришиб» кетиши, жамият ривожланишидаги салбий жиҳатларга, шахснинг индивидуал ривожланишига тўсқинлик қилувчи ҳаётий ҳолатларга қарши туриши керак. Лекин ҳаётда баъзан акси ҳам бўлади: тўлиқ ижтимоийлашган, жамиятга киришиб кетадиган, аммо муҳитда баъзи салбий ҳолатларга қарши курашишда фаоллик кўрсатмайдиган одамлар ҳам мавжуд.

Бу ҳолат кўп жиҳатдан бутун жамият, тарбия муассасалари, ўқитувчилар ҳамда ота-оналарга ҳам тааллуқли. Тарбияда қарама-қаршилик инсонпарварлик ғояси ёрдамидагина бартараф этилиши мумкин.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳам таъкидлаб ўтилганидек, узлуксиз таълимни ташкил этиш, ривожлантириш ҳамда таълимнинг ижтимоийлашувига эришиш долзарб масаладир. Таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни шакллантириш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш кабилар муҳим ижтимоий талаблар ҳисобланади.

Таянч иборалар. Шахс, ривожланиш, индивид, шахс, индивидуаллик, тарбия, фаолият, ўзига хос хусусият, ижтимоийлашув, дунёқараш, ўзини-ўзи англаш, маънавий-ахлоқий, ижтимоий хислатлар, турли ёш даврлар.

Назорат учун саволлар

1. «Индивид», «шахс», «индивидуаллик» тушунчаларини шарҳланг.

2. Ривожланиш ва шахс ривожланишини таърифланг.
3. Шахснинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар ҳақида нималарни биласиз?
4. Шахс фаолияти ҳақида сўзлаб беринг.
5. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини тавсифланг.
6. Шахснинг ижтимоийлашувини қандай тушунасиз?

Фойдаланилган адабиётлар

1. *Каримов И.А.* Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1999.
2. *Каримов И.А.* Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. *Каримов И.А.* Илм фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланайлик. //Ўқитувчилар газетаси, 1989 йил, 2 декабрь.
4. Давлатов К. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1992.
5. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А.Сластенина. – М.: Академия, 2004.
6. М.Ҳакимова. Касбий педагогика. ТДИУ., 2012. 180 б.
7. М.Ҳакимова. Касб педагогикасигу Т. “Фан ва технологиялар”, 2008. 251 б.
8. Hugh Busher, Rene Saran. “Managing Teachers as Professionals in Schools (Management and Leadership in Education)” – UK. Kindle Edition., 2013 – 192 p.
9. Wadi D, HaddadAlexandra Draxler. “Technologies for education” – USA. Academy for Educational DevelopmentWashington, DC., - 2002.
10. www.dailymotion.com Educational economics.
11. <http://www.textbooksonline.tn> Economic Theory.
12. <http://www.ijrsre.com> International Journal of Scientific Research in Education.

6-МАВЗУ. ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛ, МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРИ

- 6.1. Мустақил ишларнинг ўқув жараёнида тутган ўрни ва аҳамияти
- 6.2. Талабалар мустақил ишларининг мазмуни ва асосий шакллари
- 6.3. Талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг асосий тамойиллари
- 6.4. Мустақил ишни амалга оширишда талаба бажариши лозим бўлган вазифалар
- 6.5. Талабалар мустақил иши бўйича маслаҳатларни ташкил этиш ва баҳолаш тартиби

6.1. Мустақил ишларнинг ўқув жараёнида тутган ўрни ва аҳамияти

Кейинги даврда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишга катта эътибор берилмоқда. Чунки бу метод талабада ижодкорликни, мустақилликни ривожлантиради. Ўқув дастурларида мустақил таълим учун соатлар ажратилмоқда. Ўқувчиларни мустақил ишларини ташкил этишда маълум фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб мустақил ишнинг мазмуни, шакли ва вазифалари танлаб олинади. Топширишган мустақил ишни бажариш учун педагог керакли адабиётлар ва йўл йўриқларни кўрсатиши, қисқача тушунтириш бериши лозим. Талаба бажариши керак бўлган мустақил иш кўп вақт эгалламаслиги ва шу билан бир қаторда ўқувчига ривожлантирувчи сифатида таъсир кўрсатиши керак.

Талаба ўқув фаолиятини мустақил олиб боровчи таълим жараёнининг тенг ҳуқуқли субъектидир. Бу - фаол таълим олиш, ижодий тадқотчилик фаолиятини, хусусан, билимларни амалда қўллаш; жамоа бўлиб ва кичик гуруҳлар таркибида ишлаш; билимларни мустақил эгаллаш, муамони излаш ва ечиш учун ўқув материалларни қўллаш, режалаштириш ва амалга оширишни англатади.

Шу муносабат билан замонавий педагогик технологияларни амалга ошириш шароитларида биринчи босқич талабалари қуйидаги кўникма ва малакаларни эгаллаб олишлари зарур:

(1) *лекция, семинар ва амалий машғулотларда мустақил фаолиятни ташкил этиш кўникмалари*: асосий қоида ва ҳулосаларни қисқа, чизма шаклида ва маълум кетма-кетликда қайд этиб бориш; ўқув топшириқ ва вазифаларини ҳал этиш учун зарур маълумотларни топиш, билиш, тушуниш, танқидий баҳолай олиш ва етказиб бериш, уни тўплаб режа, конспект, реферат, асосланган эссе ва ўқув лойиҳасининг бажарилиши ҳақидаги ҳисобот кўринишида тақдим этиш; белгиланган талаблар асосида илмий матнни ишлаб чиқиш (илмий мақола, тезис, курс ва диплом ишлари); маълумотларни таркиблантириш ва таркибий бўлиб чиқиш, таҳлил қилиш ва солиштириш, ўрганилаётган тушунчалар (воқеалар, ҳодисалар, мавзулар ва ҳоказо) ўртасида ўзаро боғлиқликларни аниқлаш бўйича ўқув топшириқларни бажариш ҳамда кластер, тоифали жадвал, концептуал жадвал, Т-жадвал, Венн диаграммаси, каскад, пирамида, балиқ скелети схемалари каби воситалар асосида муаммони ҳал этишни режалаштириш;

(2) *тақдимот кўникмалари*: чиқиш вақтида, шу ҳисобда ўқув топшириғи бажарилиши натижалари бўйича, ўзига ишонч билан тута олиш, маълумотни кўргазмалар тақдим этишнинг турли воситаларидан фойдаланиш;

(3) *коммуникатив кўникмалар*: ўқитувчи ва талабалар ўртасида ўқув муносабатларини ярата олиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олиш ва муросага келиш, диалогга қўшилиш, моҳияти бўйича савол бериш, асосланган жавобларни бериш, қоидага риоя этган ҳолда баҳслашиш, музокара ва давра суҳбатларида қатнашиш;

(4) *ҳамкорликда ишлаш кўникмалари*: ўқув топшириғини бажаришда ҳамкорликдаги фаолиятни жамоавий режалаштириш, умумий масалаларни ҳал этишда кооперация, ҳамкорлик, ишбилармон шерикчилик муносабатлари ва ўзаро фаолият, ўзаро ёрдам ва ўзаро объектив баҳолашни амалга ошириш;

(5) муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш ва ечимини топиш, ўқув вазифаларини ечининг ностандарт йўллари топиш, зояларни генерация қилиш ва қарорлар қабул қилиш кўникмалари, бу ўз навбатида муаммоли маърузада, ақлий хужум, таълимий амалий вазиятларни таҳлил қилиш ва ечимини топиш жараёнларида фаол иштирок этишга тайёрлигида намоён бўлади;

(6) ўқув лойиҳалаш кўникмалари: изланиш, тадқиқ қилиш ва муаммонинг ечимини топиш ҳамда аниқ истеъмолчига мўлжалланган натижани аниқ махсулот (моддий ва ақлий) кўринишида расмийлаштиришга йўналтирилган мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш;

(7) замонавий ахборот технологияларини қўллаш кўникмалари: маълумотларни излаш, йиғиш, ишлов бериш ва сақлаш каби кўникмалар мустақил фаолият натижаларини (доклад, реферат, ўқув лойиҳалари ва ҳ.к.) расмийлаштириш бўйича ўқув топшириғини бажаришни таъминлайди.

«Мутахассисликка кириш» фанидан талабалар мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш услубий кўрсатма асосида олиб борилади. Услубий кўрсатмада талабалар мустақил ишларининг асосий шакллари ва уларнинг мазмуни, мустақил ишни амалга оширишда талаба бажариши лозим бўлган вазифалар, мустақил ишни бажариш бўйича маслаҳатларни ташкил этиш, уларни назорат қилиш ва баҳолаш тартиби баён этилади.

Услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 14 августдаги 286-сонли «Талабалар мустақил ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғи билан тасдиқланган «Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш» бўйича йўриқнома, 2009 йил 7 августдаги 276-сонли буйруғи билан амалга киритилган «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом»га ва 2010 йил 25 августдаги 333-сонли буйруғига кўра ҳамда ТДИУ «Ахборот технологиялари ва Статистика» факультети Илмий Кенгашининг 2012 йил 27 августдаги 1-баённомаси билан тасдиқланган – **«Мутахассисликка кириш»** фани бўйича Ишчи ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган.

«Мутахассисликка кириш» фанидан талабалар мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш бўйича тайёрланган ушбу услубий кўрсатма бакалаврият босқичи таълим соҳасининг барча йўналишлари 1-

курс талабаларининг мазкур фандан мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилишда фойдаланиш учун тавсия этилади.

Мустақил ишнинг ўзига хослиги шундаки, ўқув фаолиятининг бу қисми талабаларнинг мустақил фаоллиги ҳамда тегишли профессор-ўқитувчиларнинг назорати асосида ташкил этилиб, ўқув режада семестрлар бўйича белгиланган соатлар ҳажмига кўра амалга оширилади. Хусусан, бакалаврият босқичи 5231600 -«Қасб таълими, иқтисодиёт» таълим йўналиши «Мутахассисликка кириш» фани бўйича мустақил ишларнинг умумий ҳажми ўқув режада 18 соат миқдорида белгиланган.

6.2. Талабалар мустақил ишларининг мазмуни ва асосий шакллари

«Мутахассисликка кириш» фани бўйича талабалар мустақил ишларини ташкил этиш уларда иқтисодий билим, дунёқараш, ижтимоий фаоллик ва мустақил фикрлашни шакллантиришга қаратилган тадбирлар тизимини ўз ичига олади. У ўқув режаси ва фанлар дастурларида кўзда тутилган зарур билимлар ва кўникмаларнинг талабалар томонидан оқилона, кам вақт ва куч сарфлаб ўзлаштирилишини таъминлайди.

Иқтисодиёт назариясини ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, талабанинг қизиқишларини, англаш фаоллигини ва мустақил ишларини ривожлантириш йўналишида боради, бунда ижодий фикрлаш, мустақил ўқиш, кўникма ва лаёқатлари шаклланади.

Талаба мустақил иши – муайян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштиришига йўналтирилган тизимли фаолиятдир.

Мустақил ишни бажаришдан **асосий мақсад** – «Мутахассисликка кириш» кафедраси профессор-ўқитувчиларининг бевосита раҳбарлиги ва назорати остида талабаларни семестр давомида фанни узлуксиз ўрганишини ташкил этиш, олинган билим ва кўникмаларни янада мустаҳкамлаш, келгусидаги дарсларга тайёргарлик кўриш, ақлий меҳнат маданиятини, янги билимларни мустақил равишда излаб топиш ва қабул қилишни шакллантириш ҳамда ушбу тариқа университетда рақобатбардош кадрларни тайёрлашга эришишдан иборат.

Мустақил иш учун бериладиган топшириқларнинг шакли ва ҳажми, қийинчилик даражаси семестрдан–семестрга кўникмалар ҳосил бўлишига мувофиқ равишда ўзгариб, ошиб бориши лозим. Яъни, талабаларнинг топшириқларни бажаришдаги мустақиллиги даражасини аста-секин ошириб, уларнинг топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндошишга ўрганиб бориши керак.

– «Мутахассисликка кириш» фани бўйича талабалар мустақил ишини ташкил этишда талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда **қуйидаги шакллардан** фойдаланиш мумкин:

- фаннинг айрим мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш;
- маъруза ва тажриба машғулотларига тайёргарлик кўриб бориш;
- белгиланган мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;
- Президент И.А.Каримов асарларини мустақил ўрганиш ва конспектлаштириш;
- Ўзбекистон Ресубликаси қонунлари, Президент қарорлари ва фармонлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларни конспектлаштириш;
- тестлар ечиш;
- амалиётдаги мавжуд муаммонинг ечимини топиш бўйича кейслар ечиш;
- мунозарали саволлар ва топшириқларга тайёргарлик кўриш;
- талабаларнинг илмий жамиятлари ва тўғаракларида иштирок этиш;

- кўргазмали воситалар тайёрлаш;
- илмий мақола, тезислар ва маъруза матнларини тайёрлаш;
- “талаба-ўқитувчи-кутубхона” кунида фан бўйича янги ўқув адабиётлари шарҳини ўқитувчи билан ҳамкорликда тайёрлаш;
- ахборот ресурс марказида белгиланган мавзулар бўйича назарий, амалий ва статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва муайян тизимга солиш;
- белгиланган мавзулар бўйича замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тақдимот материаллари тайёрлаш;
- талабалар ётоқхонасидаги маънавият хонаси, кутубхона, замонавий ахборот технологиялар маркази имкониятларидан фойдаланилган ҳолда мустақил ўқиш жараёниларида иштирок этиш;
- факультативлар ва махсус тажрибалар ишларида иштирок этиш;
- кафедралар ва факультетларнинг илмий ҳамда илмий-услубий ишларида иштирок этиш ва бошқалар.

Талабаларнинг мустақил иши таълим ва тарбиянинг шундай вазифаларига бўйсундирилганки, бутун ўқув жараёни тўлалигича талабалар томонидан фаол, онгли, пухта ва тизимли равишда фан асосларини ўзлаштириш ва уларда иқтисодий дунёқарашни шакллантириш имконини беради. Бу вазифалар таълим жараёни ва шахсни шакллантириш қонуниятларини билмасдан ва фойдаланмасдан туриб ҳал қилиниши мумкин эмас. Уларнинг мазмунига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Мавзуни мустақил ўзлаштириш. Фаннинг хусусияти, талабаларнинг билим даражаси ва қобилиятига қараб ишчи ўқув дастурига киритилган алоҳида мавзулар талабаларга мустақил равишда ўзлаштириш учун топширилади. Бунда мавзунинг асосий мазмунини ифодалаш ва очиб беришга хизмат қиладиган таянч иборалар, мавзуни тизимли баён қилишга хизмат қиладиган саволларга эътибор қаратиш, асосий адабиётлар ва ахборот манбаларини кўрсатиш лозим.

Топшириқни бажариш жараёнида талабалар мустақил равишда ўқув адабиётларидан фойдаланиб, ушбу мавзуни конспектлаштирадilar, таянч ибораларнинг моҳиятини англаган ҳолда мавзуга тааллуқли саволларга жавоб тайёрлайдилар. Зарур ҳолларда (ўзлаштириш қийин бўлса, саволлар пайдо бўлса, адабиётлар етишмаса, мавзуни тизимли баён эта олмаса ва ҳ.к) ўқитувчидан маслаҳатлар оладилар. Мустақил ўзлаштирилган мавзу бўйича тайёрланган матн ўқитувчига ҳимоя қилиш орқали топширилади.

Ўқув жараёнининг ажралмас таркибий қисми бўлган иқтисодиёт назарияси фани бўйича мустақил ишлар кўпроқ рефератлар кўринишида бўлиб келмоқда. Реферат талабалар илмий ишларининг биринчи шаклидир. Талабалар илмий ижоди ўқув жараёниларидан бири сифатида ўқитиш, билим бериш ва тарбиялаш вазифаларини бажаришда ўз хусусиятларига эга. Талаба тадқиқот фаолиятига жалб қилиниб, илмий адабиётлар билан ишлаш, статистик ва бошқа материалларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлади, ўрганилаётган ҳодисани танқидий баҳолашга ўрганади, назарияни амалиёт билан боғлайди ва ҳ. к.

Агар реферат тайёрлашнинг дарслик бўйича тайёрланган семинар машғулотигадаги чиқишга қараганда мазмун ва сифат жиҳатдан юқорилиги ҳисобга олинса, реферат шубҳасиз катта фойда келтиради. Талаба аудитория олдида рефератда баён қилинган қоидаларни ҳимоя қилишга, ёқлашга тайёрланиши керак, иқтисодиёт назариясини ўрганишда бу муҳим аҳамиятга эга.

Реферат - бу талабалар мустақил ишларининг самарали шаклларида биридир. Мазкур шакл талаба томонидан реферат мавзусини танлаш, унда ёритиладиган масалалар мазмунини олдиндан режалаштириш, рефератни тайёрлаш ва муҳокама қилишнинг барча босқичларида кафедра профессор-ўқитувчиларининг ташкилий-услубий ёрдами ва маслаҳати асосидагина самарали амалга ошиши мумкин. Бу ерда ўқитувчи томонидан талабаларнинг реферат ишларига раҳбарлик қилиш қанчалик батафсил ва малакали амалга оширилганлиги ва рефератларга талаблар мезони қанчалик тўғри қўйилганлиги албатта, ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Топшириқ талабаларнинг реферат ёзиш кўникмаларини, илмий қизиқишлари ва билим даражасини ҳисобга олган ҳолда берилиши жуда муҳим.

Конспект

Конспект:

- режа, кўчириб олинган матн ва тезисларни бирлаштириш тушунилади;
- ифоданинг ички мантиқини кўрсатади;
- асосий хулоса, далиллар, исботлар, услубларни ўзида мужассам этади;
- материалга нисбатан унинг тузувчиси муносабатини акс эттиради;
- фақатгина тузувчи эмас, балки бошқа китобхон томонидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Кўргазмали воситалар тайёрлаш. Талабага муайян мавзунини баён қилиш ва яхшироқ ўзлаштириш учун ёрдам берадиган кўргазмали материаллар тайёрлаш вазифаси топширилади. Мавзу ўқитувчи томонидан аниқланиб, талабага маълум кўрсатмалар, йўл-йўриқлар берилади. Кўргазмали воситаларнинг миқдори, шакли ва мазмуни талаба томонидан мустақил танланади. Бундай вазифани бир мавзу бўйича бир неча талабага ёки талабалар гуруҳига топшириш ҳам мумкин.

Мавзу бўйича тестлар, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш.

Талабага мустақил иш сифатида муайян мавзу бўйича тестлар, қийинчилик даражаси ҳар хил бўлган масалалар ва топшириқлар, мунозарага асос бўладиган саволлар тузиш вазифаси топширилади.

Бунда ўқитувчи томонидан талабага тестга қўйиладиган талаблар ва уни тузиш қонун-қоидалари, қандай мақсад кўзда тутилаётганлиги, муаммоли саволлар тузишда мавзунинг мунозарали жиҳатларини қандай ажратиш лозимлиги, топшириқларни тузиш усуллари бўйича йўл-йўриқ берилади.

6.3.Талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг асосий тамойиллари

Талабалар мустақил ишларини ташкил этишда «Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш» бўйича йўриқномада белгиланган қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир:

1.Талабалар мустақил ишларини икки кўринишда – аудиторияда ва аудиториядан ташқарида ташкил этиш.

2.Талабалар мустақил ишларини тизимли равишда, яъни босқичма-босқич, оддийдан мураккабга қараб ташкил этилишини таъминлаш.

3. Талабалар мустақил ишларининг шакли ва ҳажмини белгилашда қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш:

- талабанинг ўқиш босқичи;
- муайян фаннинг ўзига хос хусусияти, ўзлаштиришдаги қийинчилик даражасига;
- талабанинг қобилияти, назарий ва амалий тайёргарлик даражасига;
- фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражасига;
- талабанинг ахборот манбалари билан ишлай олиш даражасига;
- мустақил иш учун топшириқлар курсдан-курсга ўтиш билан шакл ва ҳажм жиҳатидан ўзгариб боришига;
- мустақил иш фан хусусияти ҳамда талабанинг академик ўзлаштириш даражасига ва қобилиятига мос ҳолда ташкил этиш.

6.4. Мустақил ишни амалга оширишда талаба бажариши лозим бўлган вазифалар

Талабалар мустақил ишларини ташкил этишда қуйидаги вазифаларни бажаришлари лозим:

- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- зарур маълумотларни излаб топиш учун қулай усулларни ва воситаларни аниқлаш;
- ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар ҳамда меъёрий хужжатлар билан ишлаш;
- электрон ўқув ва илмий адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш;
- Интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш;
- маълумотлар базасини таҳлил этиш;
- иш натижаларини экспертизага тайёрлаш ва эксперт хулосаси асосида қайта ишлаш;
- топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндашиш;
- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш ва мутахассислар даврасида ҳимоя қилиш.

6.5. Талабалар мустақил иши бўйича маслаҳатларни ташкил этиш ва баҳолаш тартиби

Талабалар мустақил иши бўйича маслаҳатлар дарси аудиториядан ташқарида амалга оширишга мўлжалланган мустақил ишларни бажариш юзасидан тегишли йўлланмалар бериш ва унинг бажарилишини назорат қилиб бориш мақсадида ташкил қилинади.

Талабалар мустақил иши бўйича маслаҳатлар дарси фаннинг календар-тематик режасига мувофиқ ўтказилади.

Маслаҳат дарси тегишли фан ўқитувчиси томонидан ўтказилади.

Фан ўқитувчиси маслаҳат дарсида қуйидаги ишларни амалга оширади:

- талабалар мустақил ишлари топшириқларини бажариш юзасидан тегишли йўлланма беради.

- топшириқни бажариш режасини тузишга ёрдамлашади;

- тегишли адабиётлар ахборот манбаларини тавсия қилади;

- талабалар мустақил ишлари юзасидан тайёрланган ишланма, ҳисобот, реферат, ҳисоб-китоб ва топшириқ натижаларини қабул қилади ҳамда баҳолайди.

Талабалар мустақил иши бўйича маслаҳатлар ўқув жараёнининг 1 ва 2 сменада ташкил этилишига қараб талабаларнинг дарсдан бўш вақтларида дарс жадвалига киритилади.

Мустақил ишларнинг бажарилиши “Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими Низоми” талаблари асосида назорат қилинади ва баҳоланади. Мустақил ишларини баҳолаш мезонлари талабаларга ўқув йили бошланиши олдидан услубий материаллар билан биргаликда тарқатилади.

Назорат учун саволлар

1. Мустақил ишларнинг ўқув жараёнида тутган ўрни ва ахамияти.

2. Талабалар мустақил ишларининг мазмуни ва асосий шакллари.

3. Талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг асосий тамойиллари.

4. Мустақил ишни амалга оширишда талаба бажариши лозим бўлган вазифалар.

5. Талабалар мустақил иши бўйича маслаҳатларни ташкил этиш ва баҳолаш тартиби.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А.Сластенина. – М.: Академия, 2004.
2. М.Ҳакимова. Касбий педагогика. ТДИУ., 2012. 180 б.
3. М.Ҳакимова. Касб педагогикасию Т. “Фан ва технологиялар”, 2008. 251 б.
4. Д. Тожибоева. Иқтисодиёт назарияси. Тўлдирилган, 2-нашри. Ўқув қўлланмаси. ТМИ., Т.: 2005, 438 бет.

5. Ю.Қ. Ёўлдошев. Иқтисодиёт назарияси. Услубий қўлланма. Тошкент 2010, 299 бет.
6. Hugh Busher, Rene Saran. "Managing Teachers as Professionals in Schools (Management and Leadership in Education)" – UK. Kindle Edition., 2013 – 192 p.
7. Wadi D, HaddadAlexandra Draxler. "Technologies for education" – USA. Academy for Educational DevelopmentWashington, DC., - 2002.
8. www.dailymotion.comEducational economics.
9. <http://www.textbooksonline.tn>Economic Theory.
- 10.<http://www.ij sre.com> International Journal of Scientific Research in Education.

7- МАВЗУ. ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ (2 соат)

- 7.1. Илмий-амалий анжуманларнинг ўқув жараёнида тутган ўрни.
- 7.2. Илмий журнал, илмий мақолалар ва тезислар тўплами билан ишлаш жараёнининг тузилиши.
- 7.3. Реферат устида ишлашнинг жараёни тузилиши.
- 7.4. Курс иши, малакавий амалиёт ҳисоботларини ёзиш қоидалари.

7.1. Илмий-амалий анжуманларнинг ўқув жараёнида тутган ўрни.

Талабаларнинг илмий-назарий конференциялари ҳам талабалар мустақил ишларининг шаклларида биридир. Кафедра профессор-ўқитувчилари талабалар илмий-назарий конференциясини ташкил этиш орқали ўз ишини гуруҳнинг касбий йўналтирилганлигини, аъзоларининг ёш таркибини, қизиқишларини ҳисобга олиб, табақалашган ҳолда ташкил қилиши керак. Фақат шу ҳолдагина талабаларнинг конференцияни ўтказишда фаол иштироки ва манфаатдорлиги таъминланади. Талабаларнинг илмий-назарий конференцияларини босқичма-босқич ўтказиш мақсадга мувофиқдир. – «Мутахассисликка кириш » фани бўйича талабаларнинг илмий-назарий конференцияларини қуйидаги босқичларда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1-босқич – фан ўқитилаётган барча ўқув гуруҳларида конференцияларни ўтказиш;

2-босқич – ҳар бир гуруҳда танлаб олинган талабаларнинг энг яхши маърузаларини факультет ва факультетларaro конференцияга тақдим этиш ва ўтказиш;

3-босқич – факультетларaro конференцияда танлаб олинган энг яхши маърузаларни умумиуниверситет илмий-назарий конференциясига тақдим этиш.

Бутун гуруҳлар учун ягона бўлган конференция мавзусини тасдиқлаб, талабаларнинг маъруза ва чиқишларини гуруҳларнинг қизиқишларига қараб ихтисослаштириш мумкин.

Илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш. Талабага бирон-бир мавзу бўйича (мавзуни талабанинг ўзи ҳам танлаши мумкин) илмий мақола, тезис ёки маъруза тайёрлаш топширилиши мумкин. Бунда талаба ўқув адабиётлари,

илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан мавзуга тегишли материаллар тўплайди.

7.2. Илмий журнал, илмий мақолалар ва тезислар тўплами билан ишлаш жараёнининг тузилиши

Ўқиш турлари:

Мазмунни ўзлаштириш даражаси бўйича қуйидаги ўқиш турлари ажратилади:

- **кўриб чиқиладиган** ўқиш – умумий таассуротга эга бўлиш учун;
- **танишув** ўқиши – умумий мазмунни тушуниш учун;
- **ўрганув** ўқиши – маъносини чуқур тушуниб олиш учун

Кўриб чиқиладиган ўқиш одатда танишув ва ўрганув ўқишидан аввал амалга оширилади. Китоб мазмуни, унинг боб ва параграфлари, асар муаллифи билан танишиш зарурати бўлганда фойдаланилади

Кўриб чиқиладиган ўқиш жараёнида одатда титул варағи, мундарижа, айрим хат боши ва гаплар ўқиб чиқилади. Ушбу маълумотларнинг ўзи шу манба қай даражада кераклигини ҳал этишга ёрдам беради.

Танишув (танлов) ўқиши бир неча манбалардан маълум саволларни ажратиб олиш, шунингдек олинган маълумотларни таққослаш ва солиштириш, ушбу масала бўйича ўз қарашини ишлаб чиқиш учун ишлатилади.

Ўрганув ўқиши – ўқишнинг фаол тури. Сиз маълумот устида тўхталиб ва ўйлаб диққат билан ўқиган ҳолатдагина фойдаланилади. Ўрганув ўқиши матннинг асосий мазмуни, унинг мақсадини ўзлаштириш, исботлар мантиқини тушуниб олиш, қўйилган саволларга жавоб топишга қаратилган. Ушбу ўқиш тури материални ўрганишда кетма-кетликни талаб қилади - параграф, боб ва қисмлар бўйича матн ҳақида шахсий фикрини тузишга ундайди, маълумотни танқидий қабул қилиш кўникмасини шакллантиради. Илмий адабиётларни ўқиш қоидалари

1. Ўқиш жиддий ва чуқур фикрли бўлмоғи лозим.

2. Ўқишда қуйидагилар зарур:

- *ўқиб чиқилган материалларни таҳлил қилиш,*
- *тушунарсиз атама ва тушунчалар моҳиятини аниқлаш,*
- *сиз учун муҳим саволларга жавоб излаш.*

3. Сизнинг илмий ишингиздаги сиз учун керак бўладиган барча нарсаларни: қизиқарли фикрлар, фактлар, рақамлар, ҳар хил қарашларни *кўчириб олиш* зарур.

4. Ўқиш жараёнида сиз томонингиздан *олинган маълумотларни баҳолаш* зарур, унга танқидий нуқтаи назардан қараш, шунингдек тадқиқотингиз учун муҳимлиги нуқтаи назаридан баҳолаш зарур.

5. Ўқишда у ёки бу материалларга турли йўллар билан *белги қўйиш* тавсия этилади.

КИТОБДА МАЪЛУМОТЛАРГА БЕЛГИ ҚЎЙИШ УСУЛЛАРИ



ИЛМИЙ МАТН ТУРЛАРИ



Реферат

Реферат – турли нуқтаи назарларни ўзаро солиштириш ва таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишни талаб этадиган бир ёки бир қанча манбаларни ўзида мужассам этадиган ғояларнинг қисқача ёзма кўринишдаги тақдими.

Реферат – мавжуд матн ёки бир қанча матнларни изоҳловчи шаклларида бири саналади. Шу боисдан, конспектдан фарқли ўлароқ, реферат янги, муаллифлик матни саналади. Ушбу ҳолатда янгиликни янгича тақдим этиш, материалларни тартиблаштириш, турли нуқтаи назарларни ўзаро солиштиришда алоҳида муаллифлик ёндашуви тушунилади.

Шундай қилиб, *рефератлаштириш ўзида бир ёки бир қанча манбаларни турлаштириш, умумлаштириш, таҳлил ва синтез қилишга асосланиб маълум бир саволни ифода этишни мужассам этади.*

Рефератнинг хусусияти:

- *муфассал исботлар, солиштирмалар, мулоҳазалар, баҳоларни ўз ичига олмайди:*

- *матнда қандай янгилик мавжуд каби муҳим саволларга жавоб беради:*

- *реферат асосий эътиборни янги маълумотларга қаратади ва дастлабки матнга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқлигини аниқлаб беради.*

Ўқув фани бўйича реферат тайёрлаш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутаяди:

- ўқув предметининг до ғий масалалари бўйича билимларни чуқурлаштириш, талаба томонидан танланган мавзуга ушбу олинган назарий билимларни ижодий қўллаш кўникмасини ҳосил қилиш.

- танланган касбий соҳада хориж тажрибалари, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имконият ва муаммоларини ўзлаштириш.

- танланган мавзу бўйича турли адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабиларни) ўрганиш қобилиятини такомиллаштириш ва уларни танқидий таҳлил қилиш асосида мустақил ҳамда саводли материални ифода этиш, асосланган хулоса ва таклифлар қилиш;

- ёзма кўринишдаги ишларни тўғри расмийлаштириш кўникмаларини ривожлантириш.

☞ *Реферат оддий тарзда материалларни кўчириш, бир ёки бир нечта манба материалларини ўғирлаб кўчириш билан ҳеч қачон муросаса қилмайди. Унда муаллиф томонидан адабиётни ўрганиш орқали ўз фикрлари, қарашлари, хулоса ва таклифлари аниқ тарзда ифода этилиши лозим.*

7.3. Реферат устида ишлашнинг жараёни тузилиши Реферат устида ишлаш тартиби

1. Мавзунини танлаш

Кафедра томонидан таклиф этиладиган реферат мавзулари мисол тариқасида бўлади. Ўзингиз шахсий қизиқишингиз ва майлингизга жавоб берадиган мавзу танлашга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир. Ўзингиз қизиқишингиз доирасида, танланган муаммо ва уни асослашга таяниб, кафедра таклиф этган мавзуга кирмаган реферат мавзусини тақдим этишингиз мумкин. Ушбу ҳолатда таклиф этаётган мавзуингизни қатъий равишда илмий раҳбарингиз билан келишиб олишингиз зарур.

2. Тайёрлов босқичи: асосий манбаларни ўрганиш

Реферат мавзусини танлаганингиздан сўнг

1) танланган мавзуга оид саволлар доираси билан танишинг:

- маъруза материалларини қараб чиқинг;
- фан бўйича ўқув дастурида ушбу мавзунини ўрганиш учун тавсия этилган адабиётлар билан қайта танишиб, уларни таҳлил қилинг.

Ушбулар мавзу моҳияти, унинг ўрганилаётган курсдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишингизга ёрдам беради.

2) ТДИУ ахборот-кутубхона мажмуаси, шунингдек Тошкент шаҳри кутубхоналарида мавжуд каталоглардан фойдаланган ҳолда реферат мавзуси бўйича адабий манбалар доирасини кенгайтиринг.

Ўқув ва монографик адабиётлар билан бир қаторда қуйидаги даврий ойлик журналлар: «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», «Маркетинг», «Лизинг ревю», «Бозор, пул ва кредит», «Компания», «Эксперт», «Секрет фирмы», «Деньги», «Искусство управления», «Экономист», «Проблемы теории и практики управления», «Вопросы экономики» ва шу кабиларда чоп этилган илмий мақолалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Реферат сифатини оширишда мавзуга тааллуқли Ўзбекистон Республикасининг қонуний ҳужжатлари ҳамда ҳукумат қарорларидан фойдаланиш ҳам муҳим ўрин тутади.

Библиография ишнинг дастлабки босқичи якуни хизмат қилади.

3. Зарурий материалларни конспектлаш

4. Тадқиқот муаммоси мантиқини яратиш, реферат режасини тузиш

Реферат режаси қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- Кириш;

- Асосий қисм;
- Хулоса;
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати;
- Илова (зарурат бўлганда).

☞ *Реферат режаси танланган мавзуга тааллуқли ва унинг асосий мазмунини қамраб оладиган саволлар доирасини аниқлайди. У референтга мавзу материалларини тўплашда умумий йўналишни олиш имконини беради, унинг тўғри танланиши ва ифода этилишини таъминлайди.*

Пухта ўйлаб чиқилган, ҳар бир қисми танлаб олинган материал билан таъминланган режа рефератни муваффақиятли ёзишнинг муҳим асосидир.

5. Йиғилган материални тартиблаштириш ва реферат ёзиш

КИРИШ. Ушбу қисмда назарий ва амалий жиҳатдан мавзунинг долзарблиги асосланади, мақсадлар шакллантирилади ва вазифалар белгиланади.

Агар реферат монографик (битта манба ва муаллиф рефератлаштирилса) кўринишда бўлса, кириш қисмида:

- муаллиф ҳақида қисқача маълумот (илмий даражаси, унвони, унинг мутахассислиги, бошқа ишлари);
- мавзу манбаининг қисқача баёни;
- иш мақсади;
- рукни;
- муаллифнинг тутган ўрни ва бошқалар келтирилади.

АСОСИЙ ҚИСМ. Рефератнинг *асосий қисмида* барча муҳим фикрлар акс эттириб, режага биноан, бу қисм йиғилган материални тақсимлашга кўра мос равишда саволлар ва саволча (қисм) ажратилиши талаб этилади.

☞ *Ҳар ажратилган савол, саволча (қисм), рефератни таркибий қисмларга ажратиш бутунлигича қуйидаги формула асосида бўлиши лозим: вазифа-ишланма-хулоса.*

Ахборотни баён этиш шакли — референт танлови: конспект шаклида, фрагментли, таҳлилий.

☞ *Адабиётларни аннотациялаш йўлидан бориш ярамайди. Ҳар бир манба тадқиқот қилинаётган мавзу доирасидагина таҳлил қилинмоғи лозим.*

Материални ифода этиш муҳим аҳамиятга эга бўлмаслиги керак. Мос равишда хулосалари бўлган таҳлил, шунингдек матн билан узвий боғланган статистик материаллар таҳлили бўлмоғи лозим.

Катта ҳажмли статистик маълумотларни жадвал ҳолига келтириш мақсадга мувофиқ бўлиб, статистик маълумотлар асосида диаграммалар, графиклар,

гистограммалар куриш у ёки бу ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни тушунарлироқ ифода этишга ёрдам беради.

♪*Рефератларда келтириладиган жадвал, диаграмма, график, схема ва расмлар номланиши ҳамда тартиб рақами қўйилиши лозим. Улар тагида ушбу статистик маълумотлар олинган манбалар ҳамда уларнинг бетлари кўрсатилиши қатъий талаб этилади.*

Матнда келтириладиган барча рақамлар тегишли манбаларга ҳаволалар келтирилиши талаб этилади.

Матнда *иқтибос* келтирилса ёки муаллифлар илмий-тадқиқот ишларидаги хулосалар, қайдлар, мулоҳаза ва фикрлардан фойдаланилган ҳолатда муқаррар равишда ҳаволалар бўлиши лозим.

Рефератнинг муҳим аҳамияти муаммоли саволлар бўйича турли қарашларни таҳлил қилиш, қабул қилинадиган ёки ўзининг тутган мавқеини асослаш саналади.

ХУЛОСА. Танланган мавзуни ўрганиш натижасида талаба қилган хулосаларни ўз ичига олади, шунингдек ҳал этилмаган ва келгусида ҳал этилиши талаб этиладиган саволларга бағишланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ. Маълум бир тартиб асосида тузилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.
2. Ўзбекистон Республикаси Фармонлари.
3. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари.
4. Меъёрий актлар, кўрсатмалар.
5. Даврий нашрларда чоп этилган китоблар, мақолалар.

Манбалар библиографик қайдида қуйидагилар кўрсатилади: муаллиф исми ва шарифи, китоб номи, чоп этилган манзилгоҳи, нашриёт номи ва чоп этилган йили. Агар мақола журнал (газета)да чоп этилган бўлса, журнал (газета) номи, тартиб рақами ва йили, бети келтирилади.

6. Матни таҳрир қилиш. Матни имло ва стилистика нуқтаи назаридан текшириш

Реферат равон тилда аниқ ёзилган бўлиши ва жалб этадиган кўринишга эга бўлмоғи лозим. Сўзлар қисқартирилишига, фақат умумий қабул қилинганлардан ташқари, шунингдек хатоларга, тушунмовчиликларга, стилистик тафовутларга йўл қўйилмайди.

Реферат илмий раҳбарга тақдим этилиши ҳолатида ҳар тарафлама максимал даражада меъёрига етказилган бўлмоғи лозим.

7. Рефератни расмийлаштириш

✎ Расмийлаштириш қоидалари

Илмий раҳбарга тақдим этиладиган реферат компьютерда 12 - шрифт, 1,5 интервал оралиғида А4 шаклидаги қоғознинг бир томонида чапдан – 2,5 см, ўнгдан – 1,5 см, юқори ва пастидан – 2 см дан кам бўлмаган ҳошия қолдирилган ҳолда теририлиши талаб этилади.

Матн саҳифалари тартиб рақамларига эга бўлиши лозим. Тартиб рақамлари бир варақдан иккинчи вараққа ўтадиган ва 3 - бетдан бошланиши (биринчи ва иккинчи варақ - бу титул варағи ва иш режаси бўлиб, номерланмайди) лозим бўлади.

Варақ тартиб рақами юқорига ўртадан ёки ўнг томонга қўйилади.

Реферат ҳажми 16-20 бетдан ошмаслиги лозим.

Реферат қуйидагилардан:

- 1) титул варағи;
- 2) ҳар бир савол, саволча (қисм) варағи тартиб рақами кўрсатилган иш режаси;
- 3) кириш, тартиб рақами қўйилмайди;
- 4) манбаларга ҳаволалар келтирилган савол ва саволча (қисм) бўлинган матн ифодаси;
- 5) хулоса, тартиб рақами қўйилмайди;
- 6) фойдаланилган адабиётлар рўйхати;
- 7) жадвал, диаграмма, график, расм ва схемалардан ташкил топган иловадан ташкил топади

✎ Иловалар кетма-кет, уларнинг мазмунини ифодаловчи сарлавхалар асосида тикилади.

Реферат илмий раҳбар томонидан баҳоланади. Бунда қуйидаги шартли равишдаги кўрсаткич ва баҳолаш мезонлари қўлланилиши мумкин:

Рефератни баҳолаш
(Баҳолашнинг тахминий кўрсаткичлари ва мезонлари)

Баҳолаш кўрсаткичлари	Баҳолаш мезонлари
1. Рефератлаштирилган матн янгилиги	- Муаммо ва мавзунинг долзарблиги; - муаммо қўйилиши янгилиги ва мустақиллиги, муаммо таҳлили учун танланган янги жиҳатлар шакллантирилиши; - муаллиф мавқеи мавжудлиги, мулоҳаза юритишдаги мустақиллиги
2. Муаммо моҳиятининг очиб берилиш даражаси	- Реферат режасининг мавзуга мослиги; - мавзу мазмунининг реферат мавзуси ва режасига мос келиши; - муаммо асосий тушунчаларининг тўлиқлиги ва очиб берилиш доираси; - материаллар билан ишлаш услуб ва усулларининг асосланганлиги; - адабиёт билан ишлаш малакаси, материаларни тизимлаш ва тартиблаштириш; - қараб чиқиладиган масала бўйича ҳар хил қарашларни умумлаштириш, солиштириш бўйича кўникма, асосий мулоҳаза ва хулосаларни далиллаш
3. Манбаларни танлашнинг асосланганлиги	- Муаммо бўйича адабий манбаларнинг доираси, улардан фойдаланишнинг тўлиқлик даражаси; - муаммо бўйича энг янги манбани жалб этиш (журналда чоп этилган, илмий ишлар тўпламлари ва бошқалар)
4. Расмийлаштириш қоидаларига амал қилиниши	- Фойдаланилган адабиётларга тўғри ҳавола қўйиш; - матн баён этилишининг тўғрилиги ва маданияти; - муаммо атамалари ва тушунчалар аппаратида самарали фойдаланиш; - реферат ҳажмига қатъий риоя қилиш; - расмийлаштириш маданияти: хат бошиларни ажратиш
5. Равонлик, саводлилик	- Орфографик ва синтактик хатоликлар бўлмаслиги, стилистик тафовутлар йўқлиги; - хатоликлар, қисқартирилган сўзлар, умумий қабул қилинганидан ташқари, бўлмаслиги; - адабий тарз

7.4. Курс иши, малакавий амалиёт ҳисоботларини ёзиш қоидалари.
Курс ишининг мақсади

Маълум бир фан бўйича курс иши шу фанни ўрганишнинг таркибий қисми ҳисобланади. Унинг мақсади - ўқитишни техник воситаларини қўллаш ва дарс бериш методикаси бўйича назарий билимларни мустаҳкамлаш, коллежларда умумтехника ва махсус фанларни ўқитиш учун методик материалларни ишлаб чиқишда талабаларни бу билимлардан фойдаланиш малака ва маҳоратини оширишдир.

Курс ишини бажаришга асос қилиб олинган фанлар **5140900– «Касбий таълим»** (Информатика ва ахборот технологиялари) таълими йўналиши бўйича ўқув режаларига тўла мос ҳолда танлаб олинган.

Курс ишининг айрим бўлимларини бажарилиши ўқув фанларининг мазмуни маълум маънода олий ўқув юртидаги ўрганиладиган бир ёки бир нечта фанларни илмий мазмуни билан боғланганлигига асосланади.

Курс ишини муваффақиятли бажариш учун мазкур «Методик кўрсатмадан», унда келтирилган адабиётлардан ва маъруза матнларидан самарали фойдаланиш лозим.

Талабаларнинг фанни ўзлаштиришида курс ишларининг роли ва аҳамияти.

Ўзбекистон Республикасининг «Олий таълим ҳақида»ги низомида (1998 йил 305-сонли буйруғига асосан қабул қилинган) Олий таълимнинг асосий вазифалари қаторида қуйидагилар кўрсатилган:

- давлат таълим стандартларига мувофиқ илғор, замонавий таълим ва касб-ҳунар дастурлари асосида юқори самарали ўқитишни ташкил этиш ва малакали кадрлар етиштиришни таъминлаш;
- мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланиш истикболлари, жамият талабларига биноан фан, техника, илғор технология, иқтисодиёт ва маданиятнинг замонавий ютуқлари асосида кадрлар ўқитишни ташкил этиш ва унинг услубларини мунтазам такомиллаштириш;
 - ўқув амалиётига янги педгогик ва ахборот техногияларини киритиш , ўқитишни масофавий воситалар билан таъминлаш;
 - талабаларнинг илмий тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фан ва техникани ривожлантириш.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдан бош мақсад ва пировард натижа ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, ХХ1 асрнинг эркин фикрли шахсларни вояга етказишда намоён бўлади.

Таълимда ёшларни шахсий ўқув қобилиятларини рўёбга чиқариш ва уларни ривожлантириш катта аҳамият касб этади.Таълим тизимини ҳаёт билан, давлатимиз сиёсати билан боғлаш принципи Олий таълим тизими, Ўзбекистон мактаблари, касб-ҳунар коллежлари олдида турган энг муҳим вазифа бўлиб қолади.Ҳозирги ўтиш даврида келажаги буюк давлат қуришга ва дадил қадамлар билан бу вазифани амалга оширишга қодир бўлган баркамол авлодга таълим-тарбия бериш таълимнинг асосий вазифасидир.

Демак, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиқиб, бугунги кун ҳар бир ёшдан, ҳар бир талабадан яхши мутахассис бўлишни, ўзи

егаллаган соҳанинг моҳир устаси бўлишни талаб қилади. Шундан келиб чиқиб, турли фанларни ўзлаштиришда талабаларнинг мустақил тайёргарликларига алоҳида етибор берилади. Мустақил тайёргарликнинг энг мақбул йўлларида бири бу курс ишларидир.

Курс ишлари яъни курс лойиҳалари талабанинг мустақил таълим олишининг энг маҳсулдор даври бўлиб, мустақил таълимнинг ушбу шаклидан фойдаланиш юқори малакали мутахассис тайёрлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Курс ишини бажариш босқичлари.

Курс ишлари барча предметлардан ўша предмет ўтилатганда мустақил топшириқ сифатида берилади. Талаба курс ишини бажариш мобайнида маъруза, амалий, лаборатория машғулотлари, мустақил таълим босқичида олган билимларини умумлаштириб, уларни амалда қўллай олиши, қўйилган муайян масалани ижодий ҳал этиши лозим. Бунинг учун талаба ўқув ва илмий адабиётларни мустақил ўқийди, таҳлил қилади ва раҳбаридан маслаҳатлар олади, схема ва чизмаларни тайёрлайди, мутахассислар ёрдамида муҳокама қилади ва ишни ҳимояга тавсия қилади.

Демак, қисқа вақт ичида талабанинг энг кўп билим олишини таъминлаши тегишли кафедра ва раҳбарнинг курс ишларини самарали ташкил қилишига боғлиқ.

Ўқув йили бошланишида фан бўйича мустақил таълим учун курс иши ажратилган тақдирда ўқитувчилар унга тегишли мавзулар бўйича асосий ва қўшимча адабиётлар (номи, муаллифи, боби, параграфи, саҳифалари) ҳақида талабаларга батафсил маълумот бермоғи, курс иши бўйича ўзининг маслаҳат берадиган ҳафта кун, соати ва хонасини айтмоғи лозим. Кафедра ўқитувчиларининг талабаларга маслаҳатлар бериш жадвали кафедранинг эълонлар доскасига осиб қўйилади (мустақил таълим соати дарс жадвалига киритилмаган бўлса).

Курс ишини бажаришда талабага ўз ишини қуйидаги тартибда ташкил қилишни тавсия этиш мумкин.

- курс иши мавзулари бўйича маъруза ва амалий машғулотларда фаол иштирок этиш;
- мавзуга тегишли назарий қисмни адабиётлардан фойдаланиб, синчиклаб ўрганиб чиқиш ва конспект қилиш;
- бажарилган курс ишини ўқитувчига кўрсатиб, тўғрилигини текшириш;
- курс ишини расмийлаштириш;
- курс ишини ҳимоя қилиш.

Одатда курс ишлари ёзишда ўқитувчи раҳбарлигида танлаб олинган мавзу учун талаба мустақил режа тузади. Курс ишини бажариш жараёнида ўқитувчи раҳбардан мунтазам равишда маслаҳатлар олиб туради. Курс ишларини назорат ишларидан фарқи шуки, бунда талабалар аниқ мавзу бўйича мустақил равишда тегишли адабиётларни ўқиб чиқиб, мустақил фикр юритади ва кичик

муаммоларни ечиб беришга ўзининг ҳиссасини қўшади. Назорат ишларида эса олдиндан тайёрлаб қўйилган саволларга жавоб қайтарилади. Уларнинг ҳажми курс ишларининг ҳажмига нисбатан кичик бўлади.

Демак, курс ишлари талабаларни илмий тадқиқот ишлари олиб бориш малакасини ҳосил қилишга, маълум илмий ҳарактерга эга бўлган маърузалар ёзишга ўрганишга чорлайди. Курс ишлари талабаларни ўқув тадқиқот ишларининг асосий шаклларида бирини ташкил этади.

Курс ишини бажарилиш сифатини баҳолаш.

Муайян фан учун талабалар билимини баҳолаш мезонини тузаётганда мустақил таълимга ажратилган қисмлар бўйича талаба олиши мумкин бўлган балларни албатта кўрсатиш лозим. Таълим йўналишлари Давлат стандартларида ўқув машғулотлари (маъруза, амалий машғулот, лаборатория иши, семинар машғулотлари) учун ажратилган соатларга нисбатан мустақил таълим соатлари ўртача 20-25% эканини ҳисобга олиб, мустақил таълим бўйича талаба билимини баҳолашга жорий ва оралик баҳолашдан баллар ажратилиши мумкин. Масалан, жорий баҳолашдан биттаси ва оралик баҳолашдан биттасини (умумий баллнинг 20-25% атрофида) ажратиш мумкин.

Албатта, бунда мустақил таълимга ажратилган фан бўлагининг ҳажми, топшириқлар мазмуни, уларни бажариш муддатлари ва фаннинг ўзига хос хусусиятлари кабиларни эътиборга олиш лозим.

Мустақил таълимни ташкил этишни бажариш, илмий-методик жиҳатдан такомиллаштириш, янги баҳолаш мезонларини жорий этиш каби масалаларни кафедра мажлисларида, факултет илмий-методик кенгашларида муҳокама қилиб берилади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, ўқув режасидан фанлар учун ажратилган соатларни таҳлил қилиш натижасида, ҳамда рейтинг тизими талабларидан келиб чиқиб, талаба билимини табақалаштириб баҳолаш мақсадида курс ишлари учун.

Курс ишлари Давлат таълим стандартлари асосида тузилган режага кўра қабул қилинган наъмунавий дастурда, ҳамда шу асосда тузилган ишчи дастурда кўрсатилган бўлади.

2. Курс иши топшириғининг мазмуни

Курс ишини бажаришга топшириқни ҳар бир талабига ўқитувчи якка тартибда беради.

- касбини номи;
- таълим тури;
- ўқув фани номи;
- ўқув режаси;
- ўқув фани бўйича дастур;

Курс иши иккита асосий бўлимдан иборат: тушунтириш хати ва асосий қисм (мавзуларни ишлаб чиқиш ёки кабинетни жиҳозлаш).

Топшириқ асосида тузилган тушунтириш хатида қуйидаги саволлар қўйилади:

- кириш, ўқув фанини ўқув режадаги фанлар тизимидаги ўрни ва вазифаси;
- бу фанни ўрганишда эгаллаган билим, ўқув ва маҳоратни аҳамияти;
- ўқув фанининг мавзуй режасини таҳлили;
- ўқув фанини дастури мавзуларини мазмунини таҳлили;
- фан бўйича дарслик мазмунини ва унинг фан бўйича дастурга мослигини таҳлили;

Курс ишини асосий қисми мазмуни.

Ўқув фанини мавзусини ишлаб чиқишни кўзда тутувчи топшириқлар қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- ўқув фанини ўрганишга ўқув жараёни графигини ва календар графикни ишлаб чиқиш;
- ўқув фанини ўрганишнинг технологик картасини ишлаб чиқиш;
- фан бўйича ёки мавзу бўйича истиқболли-мавзуй режани ишлаб чиқиш;
- мавзунини дарс бўйича режасини ишлаб чиқиш;
- мавзуларни муҳим бир дарс учун режа ва конспектини ишлаб чиқиш;

Ўқув режаси фанлари системасидаги ўрни ва вазифасини қуйидаги таҳлил асосида аниқланади:

- ўқув фанини очиб беришда талабани асосий тайёргарлигини аниқлаб берадиган ўқув фанини вазифаси ва уни базавий фанга мослиги;
- муҳим техникавий фанлари;
- ўқув фанини мақсади ва вазифалари;
- ўқув фани соатлари миқдорини

Назорат учун саволлар:

1. Илмий-амалий анжуманларнинг ўқув жараёнида тутган ўрни.
2. Илмий журнал, илмий мақолалар ва тезислар тўплами билан ишлаш жараёнининг тузилиши.
3. Реферат устида ишлашнинг жараёнли тузилиши қандай?
4. Курс иши, малакавий амалиёт ҳисоботларини ёзиш қоидаларини айтинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Д. Тожибоева. Иқтисодиёт назарияси. Тўлдирилган, 2-нашри. Ўқув қўлланмаси. ТМИ., Т.: 2005, 438 бет.
2. Ю.Қ. Ёўлдошев. Иқтисодиёт назарияси. Услубий қўлланма. Тошкент 2010, 299 бет.
3. Karimova V.M., Akramova F.A., Ochilova G.O., Musaxanova G.M. Pedagogika. Psixologiya: O'quv qo'llanma - TDIU, 2010 - 393 b.
4. Н.С.Атаева, Ф. Расулова, М.Салаева, С. Хасанов. Умумий педагогика. Фан ва технология. Т.: 2012-756 бет.
5. Майерс Д. Социальная психология / Перев.с англ. – СПб.: Питер, 1999. – 688 с.

6. Hugh Busher, Rene Saran. "Managing Teachers as Professionals in Schools (Management and Leadership in Education)" – UK. Kindle Edition., 2013 – 192 p.
7. Wadi D, HaddadAlexandra Draxler. "Technologies for education" – USA. Academy for Educational DevelopmentWashington, DC., - 2002.
8. www.dailymotion.comEducational economics.
9. <http://www.textbooksonline.tn>Economic Theory.
10. <http://www.ij sre.com> International Journal of Scientific Research in Education.

8-МАВЗУ. “КАСБИЙ ВА АҲЛОҚИЙ ХИСЛАТЛАРИ.

- 8.1. Меҳнат иқтисодчи кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий асослари.
- 8.2. Иқтисодий тарбиялашда ўқитувчининг роли.
- 8.3. Иқтисодчининг касбий ва ахлоқий сифатларини шакллантириш. иқтисодчи педагог модели.

8.1. Меҳнат иқтисодчи кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий асослари

Иқтисодчи тайёрлаш муаммоси Кадрлар тайёрлаш миллий моделида ҳам бевосита ифода этилади. Жумладан, Миллий моделнинг таркибий қисмлари шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш кабилардан иборат бўлса, уларда битта масала, яъни кадрлар масаласи ҳал этилади. Масалан, шахсга кадрлар тайёрлашнинг объекти ва субъекти сифатида қаралса, давлат ва жамиятга таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солувчи ва назоратчиси сифатида қаралади. Шу билан бирга миллий моделнинг асосий таркиби ҳисобланмиш узлуксиз таълим-кадрлар тайёрлашнинг асосини ташкил этади. Фан юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи бўлса, ишлаб чиқариш эса, кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи ва кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси ҳисобланади.

Шу билан бирга юқоридаги муаммо хусусида нафақат Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, балки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қабул қилган қарорлари ва буйруқларида ҳал этилиш назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 4 октябрдаги 2001 йил “Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 400-сонли қарорида, мазкур қарорнинг 1-иловасида “2010 йилгача бўлган даврда ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими тизимида педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури”да ҳам иқтисодчи-ўқитувчи тайёрлашга

эътибор қаратилади.¹⁷ Дастурнинг асосий мақсади қилиб, педагог ва мутахассис-педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш йўли билан академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини давлат таълим стандартлари талабларига жавоб берувчи юқори малакали педагог ва мутахассис-педагог кадрлар билан таъминлашдир, деб белгиланган. Дастурнинг асосий вазифаси эса, педагог ва мутахассис-педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг тузилмаси ва мазмунини такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 29 октябрдаги 2001 йил 2-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 4 октябрдаги 2001 йил “Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 400 сонли қарорини бажариш мақсадидаги буйруғида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг “Баркамол авлод орзуси” китобини ўқув юртларида ўрганиш тўғрисида”ги 1999 йил 10 февралдаги 10 сонли буйруғи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тўғрисида”ги 1999 йил 57 сонли буйруғи : Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси асосида “Ўзбекистон XXI асрга интиломда” махсус курсини ўқув дастурларига киритиш тўғрисида”ги 1999 йил 24 апрелдаги 126- сонли буйруғи; Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг “Тошкент шаҳридаги таълим муассасаларини педагог кадрлар билан таъминлаш ҳақида”ги 1999 йил 25 июндаги 214-460-сонли қўшма буйруғи; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига бағишланган халқаро конференциянинг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: эришилган натижалар ва ислохот истиқболлари” деб номланган мурожаат ва таклифларини амалга ошириш тўғрисидаги 2000 йил 19 январдаги №14 сонли буйруғи; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Вазирликнинг 1999-2000 ўқув йилига мўлжалланган малака ошириш ва қайта тайёрлаш режасининг бажарилиши ҳақида”ги 2000 йил 102-сонли буйруғи каби ҳукуматнинг меърий ҳужжатларида ҳам иқтисодчи-ўқитувчи тайёрлаш билан боғлиқ назарий ва методик фикрлар берилади.

Бизнингча, илгари сураётган янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш масаласи жуда чуқур мазмунга эга. Бунинг маъноси, биринчидан, кишилар мулкдан маҳрумлик ҳолатидан мулкка эгалик ҳолатига кўчишлари, мулкни бемалол ва самарали тасарруф қила олишлари, улар боқимандалик кайфиятидан қутилиб, ўз иқтисодий ва ижтимоий аҳволларига ўзлари масъул эканликларини англашиш, иқтисодий ҳаётда кучли рақобат кураши бўлишини тан олган ҳолда ана шу рақобат курашида ютқазиб қўймаслик, саросимага тушмаслик, бундай кураш шароитида ишлай олиш қудратини кўрсатишдир; иккинчидан, ҳар бир кишининг

¹⁷Касб маҳорати. Ўзбекистон Республикаси ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими ахборотномаси. Т.: 2001 й. 2-сон. 9-бет.

фаровонлиги аввало ўзига, шахсий меҳнатига, тадбиркорлигига, ўз мулкини қандай ишлата олишига, эпчиллиги ва ҳушёрлигига боғлиқ эканини идрок қила олишдир; учинчидан, ўз меҳнати ва қобилиятини қаерга; нимага, қанчага сарфланишини, бундан унга қанча фойдали, қанча зарар келишини олдиндан ҳисоб- китоб қила олишидир.

Мамлакат таълим тизимида 1997 йилга қадар янгиликлар амалга оширилди, чора - тадбирлар ишлаб чиқилди. Бироқ бу чора тадбирлар вақтинчалик, яъни ўтиш даврига мўлжалланган эди. Буни ҳаётнинг ўзи аниқ-равшан кўрсатиб берди.

Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиб боришнинг биз қўллаган қисқа тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, юқорида таъкидланган уч асосдан дастлабки иккитасини амалга оширишда маълум ютуқларга эришдик. Бироқ учинчи, зарурий асосни яратишда сезиларли иш қилинганича йўқ. Аммо иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, бозор иқтисодиётига ўтишни тезлаштириш зарурати одамларимизда тамомила янгича иқтисодий фикрлашни шакллантиришини ғоят долзарб вазифага айлантириб қўйди. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислон Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номли машҳур асарида бу масалани иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичининг стратегик вазифаларидан бири эканлигини таъкидлаб шундай ёзади: “кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ўрин олган, доимо диққат марказида турган, юксак орзу интилишлари ва умид ишончига айланган мақсаддир”.¹⁸ Бизнинг фикримизча, Президентимиз асарлар ва маърузаларида баён этилган фикр-мулоҳазалар вақт жиҳатидан турли пайтларда айтилган, машаққатли меҳнат, тинимсиз изланишлар, кескин бурилишлар жараёнида юзага келган бўлса-да, улар мазмун-моҳияти жиҳатидан бир-бирини изчил равишда бойитади ва давом эттиради.

Жумладан юртбошимизнинг “...Кадрларни пухтароқ қилиб тайёрламасдан, уларнинг қадрига етмасдан, уларга ишонмасдан ва қўллаб қувватламасдан, ўйлайманки, бирон бир соҳада аҳволни ҳеч қанақа тарзда ўзгартириб бўлмайди”¹⁹ деган фикри айниқса қимматлидир.

8.2. Иқтисодий тарбиялашда ўқитувчининг роли

Ўқитувчи – бу гўзаллик ва инсонийлик соҳибидир. Бу олийжаноб, шарафли касб эгалари ҳақида қанчадан-қанча донишмандлар ўзларинингэнгяхши эзгу-тилак, истакларини ёзиб қолдирмаган дейсиз. Ҳаёт абадий экан, уаввало ёш авлод билан барҳаёт. Демак, авлодбор экан, унга таълим ва тарбия берадиган меҳри дарё, бағри кенг инсон – бу ўқитувчидир.

Касблар ичида шоҳонаси ва фахр билан тараннум этиладиган касб – ўқитувчилик касбидир. Чунки, ҳаётда бирон соҳа йўқки, унга ўқитувчининг бевосита ва билвосита қўшган ҳиссаси бўлмаса.

¹⁸И.А. Каримов. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: “Ўзбекистон”, 1995 й. 18-бет.

¹⁹И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI асга интилмоқда. Т.: “Ўзбекистон”, 2000 й. 247-бет.

Ўқитувчининг билимдон, ақл-заковатидан, меҳр-муҳаббатидан баҳраманд бўлмаган инсоннинг ўзи бўлмаса керак. Бу ҳақда машҳур Абдурахмон Жомий: «Жаҳонда бўлмаса муаллим агар, ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар», - деб ёзган. Ўқитувчи - ҳар қандай жамият тараққиётини ҳаракатга келтирувчи фавқулодда куч бўлиб, унинг мамлакат юксалишидаги ўрни ва роли беқиёсдир. Ўқитувчиларнинг билими, салоҳияти ва педагогик маҳорати жамият ривож истиқболининг кафолатидир.

Маълумки, Мустақил Республикамиз ва халқимизнинг истиқболдаги тараққиёти, тақдири бугун таълим муассасаларида касб-хунар сирларини эгаллаётган ёшларга боғлиқ. Таълим-тарбия мазмуни, сифати ижтимоий буюртма сифатида мамлакат иқтисодияти ва сиёсатини белгилайди.

Президент И. А. Каримов айтганларидек, «Буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгилиниши, ҳаётимиз тараққиёти ва истиқболи, амалга оширилаётган ислохотларимиз ва режаларимизнинг самарали тақдири, авваломбор, давр талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли, янгича тафаккурга эга бўлган мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз. Демак, истиқлолимизнинг истиқболи, буюк келажак яратиш йўлидаги мақсадларимиз, ҳатти-ҳаракатларимизнинг пировард натижаси бевосита таълим-тарбия тизимидаги ислохотларимизга боғлиқдир. Ана шу ислохотларни амалга жорий этишда ўқитувчи ва муҳандис-педагогларнинг ўрни беқиёс муҳим аҳамиятга эга»

Туб ислохотларни амалга ошириш, бозор муносабатларини шакллантириш энг аввало ходимларнинг иқтисодий билимига боғлиқдир. Кишиларда иқтисодий тафаккурни шакллантирмасдан туриб чуқур иқтисодий ўзгаришлар қилиб бўлмайди. Шу муносабат билан Президентимиз Ислом Каримов қуйидаги фикрни олдинга ташлайди: **“Бозор муносабатларига ўтиш даврида иқтисодий билимларни беришимиз мақсадга мувофиқдир”**. Шу маънода ҳозирги кун талаби ҳар томонлама ривожланган, баркамол иқтисодчи-педагог кадрларни тайёрлашдир. Ҳар томонлама ривожланган, баркамол иқтисодчи-педагог кадрларни тайёрлашда иқтисодий педагогика фанининг ўрни ва аҳамияти катта. Иқтисодий педагогика фани асосан иқтисодий тарбия, иқтисодий таълим, иқтисодий маълумот ва ниҳоят кўникма бериш, иқтисодий малака каби категорияларни ўзичига олади. Буларнинг ичида иқтисодий таълим ва иқтисодий тарбия категориялари иқтисодий таълимнинг моҳият-мазмунини очиб беради.

Иқтисодий тарбия ўқувчиларда тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб-китоб ва айни шу қабилар ҳақида фикрлай олиш қобилиятини камол топтириш демакдир. Иқтисодий тарбия тушунчаси ўсиб келаётган ёшавлодда ҳосил қилинган иқтисодий билимлар асосида ақлий камолот, иқтисодий дунёқарашнинг инсоний эътиқод, бурч ва масъулиятни жамиятимиз кишиларига хос бўлган ахлоқий фазилатларни яратишдаги мақсадни ифодалайди. Шу маънода иқтисодий тарбия деб, иқтисодчи-тарбиячи ўзи хоҳлаган сифатларни тарбияланувчилар онгига сингдириш учун уларнинг руҳиятига маълум мақсадга кўра тизимли таъсир кўрсатишига айтилади. Иқтисодий таълим-маҳсус тайёрланган иқтисодчи-

тарбиячи (педагог)лар раҳбарлигида ўтказиладиган, ўқувчиларни иқтисодий билим, иқтисодий кўникма ва иқтисодий малакалар билан қуроллантирадиган, иқтисодий билим қобилятларини ўстирадиган, уларнинг иқтисодий дунёқарашини таркиб топтирадиган жараёндир. Иқтисодий маълумот иқтисодий таълим тарбия натижасида олинган ва тизимлаштирилган иқтисодий билим ҳосил қилинган иқтисодий кўникма ва иқтисодий малакалар ҳамда шаклланган иқтисодий дунёқарашлар мажмуидир.

Демак, иқтисодий таълим ва тарбия бериш иқтисодчи-ўқитувчиларнинг бирламчи вазифаси.

Ҳар қандай мутахассислар каби ўқитувчиларнинг ҳам касбий тайёргарлик даражаси энг аввало уларни билим, кўникма ва малакалари, ижодий салоҳияти ва ностандарт тафаккурида ўз аксини топувчи касбий лаёқати билан баҳолананди. Шунинг учун ҳам бозор муносабатлари шароитида юқори малакали мутахассискадрлар тайёрлаш зарурати кучаяди. Бухолат қуйидагилар билан изоҳланади: биринчидан, мутахассис фан техника, ишлаб чиқариш соҳаси бўйича кенгкўламли пухта тизимли билимга эга бўлиши, иккинчидан, иш ўрин, шароити, техника ва технология ўзгаришига тез мослашувчан бўлиши керак. Бундан ташқари хом-ашё материалидан, энергия, вақт ва шу кабилардан имкон қадар унумли ҳамда ижодий фойдаланиши зарур. Бир сўз билан айтганда, мутахассис юқори даражада иқтисодий билимга эга бўлиши зарур.

8.3. Иқтисодчининг касбий ва ахлоқий сифатларини шакллантириш.

Ватанимизнинг миллий мустақилликка эришуви, иқтисодий ижтимоий, маънавий ва мафкуравий тараққиёт соҳаларида бозор иқтисодиёти муносабатларининг ўзига хос ривожлантирилиши фуқаро тарбиясига янгича асосларда ёндошишимизни тақоза этмоқда. Бундай ижтимоий-педагогик вазият, биринчидан, тарбияга оид миллий кадриятларимиз ҳозирги замон нуқтаи назаридан қайта таҳлил қилишимишни, иккинчидан, ривожланган мамлакатнинг педагогик тажрибаларини ҳолисона ўрганишимизни ва учинчидан, ҳар иккала манбалардан олинган маълумотларга таянган ҳолда мамлакатимизда янги давр талаблар даражасига жавоб берадиган ва унинг истиқлолини таъминлайдиган тарбияга оид ўзига хос назарий қарашларимизни белгилаб олишимизни долзарб масала қилиб қўймоқда. Шу маънода бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб оладиган, иқтисодчи-ўқитувчи ўтмиш аждодларимиз яратган ижтимоий-иқтисодий, маърифий ва маънавий меросимизни ёки авлодга етказувчи, педагог ўзбек халқ педагогикасини яхши ўзлаштирган бўлиши, ўтмиш аждодларимизни ёш авлодга қолдирган маънавий ёдгорликларини етказиб берувчи воситадир. Демак, иқтисодчи-педагог шахси олдида катта маъсулият уйғунлашади. Булар асосий иқтисодчи ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларига қўйиладиган талаблар негизида намаён бўлади.

Демак, улар; иқтисодчи ўқитувчи аввало, ўз касбини севиши, иқтисодчи ўқитувчи ўз предметини (иқтисодий фанлар мажмуини) чуқур билимдони бўлиши, педагогика ва психология фанларини чуқур ўзлаштирган бўлиши, ўқув-тарбия ишлари методикасини пухта эгаллаган бўлиши, ҳаёт, фан ва маданият,

маърифат масалаларини билиши, ҳозирги замон техника технологиялари билан чуқур қуролланган ва уларни ўзлартирган бўлиши, энг асосийси, Республикамиз ҳаётига оид материаллар билан оммавий ахборот воситаларидан, газета ва журналлардан иқтисодиётимизга оид энг сўнги янгиликлар билан хабардор бўлиши ва уларни талабаларга етказа билиши лозим. Шу билан бирга Республика Президенти И. Каримов асарлари, улардаги иқтисодий ғоялар, ижтимоий характерга эга воқеа-ҳодисаларни таҳлил қила олиши лозим.

Иқтисодчи-педагог шахси олдидаги яна бир масъулиятли вазифа бу унинг билимидир. Бола ёки талаба билимдон ўқитувчини ҳурмат қилади. Ёш инсон қошида обрў қозонишни истаган ўқитувчи ўз камолоти устида муттасил, тизимли ишламоғи лозим.

Ҳозир айниқса ахборотлар кўпайган давр. Ҳаёт, фан ва маданият жуда тез суръатлар билан ривожланмоқда. Шу нуқтаи назардан бўлажак иқтисодчи-педагоглардан, тинмай ўз устида ишлашни талаб қилади. Ўқитувчи ўз билимини ўқувчиларга, талабаларга бера билиши, энг муҳими, уларда билимга қизиқиш уйқота олиши, мустақил ўқиш кўникмалирини тарбиялаши ва бу борада талаба фаолиятини ташкил этишга раҳбарлик қилиши керак. Бунинг учун иқтисодчи-ўқитувчи педагогикани психологияни ва ўз фанининг методикасини чуқур эгаллаши, мустақиллик ғоялари: миллий ғоя, миллий мафкура ғояларини талабалар онгига сингдира олиши зарур.

Илғор ғоя ва янгиликларнинг тарғиботчиси бўлган зиёкор иқтисодчи-педагогнинг педагогик одоби ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳар томонлама ривожланган етук иқтисодчи-педагог энг маданиятли инсон бўлиб, бу фазилат унинг юриш-туришида, феъл-атворида, кийинишида, оилада, иш жойида одамлар билан маданий муомала қилишида, рўзғор юритиши, жамият жойларида ўзини яхши тута олишида, нутқ маданиятида, адабиёт ва санъат дурдоналарини севиш ва улардан фойдалана билишида, ҳаёт, табиат ва одамлардаги гўзалликларни баҳолаш ва қадрлашида, хатти-ҳаракатларида ўз ифодасини топади. Бу фазилатлар етук иқтисодчи педогогларнинг гўзал ички дунёсининг ташқи ифодасидир.

Иқтисодчи-педагог талаба билан муомиласида педагогик одобга риоя қилиш, ўзини тута билиши, шароитни ҳисобга олиб таълим-тарбия усулини танлаш керак. Шу маънода иқтисодчи - педагоглар ёш қалб эгаларининг яқин дўсти ва йўл кўрсатувчисидир

Инсоният пайдо бўлибдики, одамлар кўпинча тўпланиб, бир-бирига нималарнидир уқтириш, ўргатишига эҳтиёж сезганлар. Кўпинча ана шундай пайтларда кимдир ўртага чиқиб, қолганларга мурожат қилган. Ана шундай одамни “тапга уста” деб ажратишиб, доимо унинг оғзига қарашга ҳам ўрганиб қолишган. Қадимги Юнон халқлари ана шундай ўртага чиқиб ўз фикрларини мухтасар баён этишган одамларни ўргатганлар ва бу санъат риторика деб аталган. Демак, риторика нотиқлик маданияти ва санъати бўлиб, у одамда гапириш ва ўзгаларга мурожаат қила олиш маҳоратини шакллантиради. Шу нуқтаи назардан бўлажак иқтисодчи-педагогнинг нутқи ҳам, яъни нотиқлик санъати ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Иқтисодчи-педагогнинг нотиклик маҳорати энг аввало қуйидаги сифатларга боғлиқ:

- Табиий қобилият, яъни руҳан ўзгаларга ўз фикрини баён этиш, уни чиройли ўринли қилиб етказишга мойиллик бўлиши керак;
- Гапқирлик, бу сифат кейинчалик ривожланади ва унинг ривожини учун билим, билим ва яна билими ҳамда тажриба зарур;
- Чидамли, бардош, бу иродага алоқадор сифат бўлиб, ўз устида муттасил ишлаш, ўз қобилиятларини мукаммал ўстириб бориш ва меҳнат қилишдан чўчимаслик учун керак сифат;
- Жасорат, бу ҳам ҳиссий иродавий сифат, унда ҳам туғмалик, ҳам орттирилганлик белгилари бор. Кичкинагина оддий бир фикр ҳам ўзингники бўлса, уни бировлар ўртасида айта олиш ва таъсир кўрсатиш учун одамга мардлик, таваккалчилик ҳам жасорат керак.

Иқтисодчи педагогларнинг етук нутқ маҳоратга эга бўлиши қуйидаги омиллар негизида юзага келади:

- гапириш тони ва оҳангини танлаш, давомийлик ва матн ҳажми, таянч сўзлар, мавзунини номлаш, машқ қилиш, фикрнинг баён этиш, яқунлаш, жадваллар ва рақамлар, ҳазиллар, мисоллар, кийим-бош, қўллар ҳаракати, кўз қарашлар, савол ва лўқмалар кабилар

Демак, иқтисодчи-педагог шахси олдидаги асосий мақсад ва вазифа-келажакда, мустақил Ўзбекистонимизни иқтисодий ривожлантиришда ўзини ҳиссасини қўша оладиган кадрларни тарбиялаш, уларда мустақилликка ифтихор ўйғотиш, мустақиллик ғоялари билан, яъни миллий ғоя, миллий мафкура ғоялари ва тушунчаларини талабалар онгига сингдириб бориш, энг муҳими иқтисодий таълим ва тарбия бериш, Республикадаги иқтисодий воқеа-ҳодисалар билан муттасил таништириб боришдан иборат.

Назорат учун саволлар

1. Иқтисодий билим, кўникма ва малакага таъриф беринг.
2. Иқтисодий таълим, иқтисодий тарбия тушунчаларини изоҳланг.
3. Иқтисодий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда иқтисодчи-педагогнинг ўрни ва роли қандай бўлиши керак?
4. Иқтисодчи-ўқитувчининг касбий сифатлари нималарда намоён бўлади.
5. Шарқ мутафаккирларининг устоз ва мураббийлар ҳақидаги фикр мулоҳазаларидан мисоллар келтиринг.
6. Иқтисодчи – ўқитувчи моделини тузинг.
7. Иқтисодчи-ўқитувчининг инновацион фаолияти нималардан иборат бўлиши зарур?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. //Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. — Т.: Шарқ, 2001. -ББ. 3-18.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. //Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. — Т. Шарқ, 2001. –ББ. 18-52.
3. *Каримов И.А.* Баркамол авлод орзуси. — Т.: Шарқ, 1999.
4. *Каримов И.А.* Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили. — Т.: Ўзбекистон, 1995.
5. *Каримов И.А.* Илм фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланайлик. //Ўқитувчилар газетаси, 1989 йил, 2 декабрь.
6. Д. Тожибоева. Иқтисодиёт назарияси. Тўлдирилган, 2-нашри. Ўқув қўлланмаси. ТМИ., Т.: 2005, 438 бет.
7. Ю.Қ. Йўлдошев. Иқтисодиёт назарияси. Услубий қўлланма. Тошкент 2010, 299 бет.
8. Wadi D, Haddad Alexandra Draxler. “Technologies for education” – USA. Academy for Educational Development Washington, DC., - 2002.
9. www.dailymotion.com Educational economics.
10. <http://www.textbooksonline.tn> Economic Theory.
11. <http://www.ijrsre.com> International Journal of Scientific Research in Education.